201__ A
nomidagi O'zbekiston MK

Мурғак қалблар матонати ва жасорати 3

«Хирмон тўлиб тўкилди дон» 4

«Оилани мустаҳкамламасдан туриб, давлатда тартиб ўрнатиб бўлмайди» 5

УНИВЕРСИАДА – 2019 8

O'zbekiston ovozi

№54-55
2019-yil, 9-iyul
Seshanba (32.545)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta
1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

«Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!»

АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни автомобиль саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимиз автомобилсозлиги ўтган йигирма уч йил мобайнида изчил ривожланиб, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топди. Жорий йил 1 октябрдан имтиёзлар бекор қилиниши билан ушбу тармоқ ҳам эркин бозор шароитига ўтади. Бу корхоналарда замонавий бошқарув механизмларини жорий этишни, маҳсулотларни бозорбоп ва рақобатбардош қилишни талаб этади.

Жорий йилнинг олти ойида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154 фоизга ошиб, 1 триллион сўм соф фойда олинган. Қарийб 73 миллион долларлик автомобиллар экспорт қилинган. Ички бозорда маҳаллий автомашиналар улуши 97 фоизга етган.

Булар яхши, албатта. Бироқ, гап локализация даражаси ҳақида борганда рақамлар мақтанарли эмас. Бу кўрсаткич енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда 45 фоиз, юк автомобиллари ва автобусларда 24 фоиз, холос.

Йиғилишда локализация даражасини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш орқали экспортни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясига умумий ишлаб чиқариш ҳажмини 2023 йилга қадар ҳозирги 250 мингдан 350 мингга, экспорт ҳажмини камида 100 мингга етказиш вазифаси қўйилди.

Бунинг учун, аввало, тармоқда илғор бошқарув тизимини жорий қилиш, хорижий консалтинг компаниялари мутахассисларини жалб этиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархини оптималлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Экспортда битта енгил автомобилнинг логистика харажати нархнинг 8-10 фоизини ташкил қилиши қайд этилар экан, бу харажатни давлат томонидан қисман қоплаб бериш бўйича вазифалар белгиланди. Хорижий дистрибьюторлар билан биргаликда экспорт нархини қайта шакллантириш ва ташқи бозорларга кафолатли чиқиш юзасидан тавсиялар берилди.

Бугунги кунда 5 турдаги енгил автомобиль 5 та алоҳида платформада ишлаб чиқарилаётгани ҳам харажат, ресурс ва вақт сарфини кўпайтириб, маҳсулот нархига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боис йиғилишда ягона платформада бир неча маркадаги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хорижий компаниялар билан шериклик да тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, «MAN Auto» ва «SamAuto» корхоналарига хитойлик ва японияли ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига тармоқда локализация даражасини ошириш, хусусан, импорт қилинаётган 22 турдаги базавий қисмларни юртимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Импортни нотариф механизмлар орқали тартибга солиш, транспортларнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича хорижий стандартларни жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари автомобиллар нархини барқарор сақлаб, сифатини ошириш, янги ҳамёнбоп моделлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш орқали маҳсулотларнинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар – аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, бу қутлуғ санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **«Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!»** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, **«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» давлат дастури, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз», «Беш ижобий ташаббус»** каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг маъно-мазмуни ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охирги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишлари конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Бу тадбирларни ташкил этишда мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз пойтахти, вилоят ва туманларида қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун **«Ягонасан, муқаддас Ватан!»** республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда **«Энг улуғ, энг азиз», «Ранглар жилосида – она диёр», «Ватан учун яшайлик!»** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 июль

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАР ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДА КЎТАРИЛГАН ВАЗИФАЛАРГА МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ

Парламент қуйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 июль куни ўтказилган биринчи ярим йилликда давлат бюджетига тушумлар натижадорлигини таҳлил қилиш, янги вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ва унда кўтарилган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 2018 йил 29 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижасига хизмат қилмоқда.

Фракциялар давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ҳамда улардан келиб чиқувчи муҳим вазифаларни атрофлича таҳлил қилди ва ўз муносабатини билдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари юртимизда солиқ ислоҳотлари ва нарх-наво сиёсати халқчил тарзда юритилаётганини қайд этди. Шу боис ҳам мазкур соҳаларда аҳолининг манфаатларини кўзлаб, узоқни ўйлаб амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу жараёнда, айниқса, кам таъминланган, ночор оилаларнинг аҳволи доим инобатга олинаётгани диққатга моликдир.

Шу жиҳатдан, фракция аъзолари мамлакатимиз раҳбари томонидан ўтказилган мазкур видеоселектор йиғилишида кўтарилган ҳар бир масала давлатимиз ва жамиятимизнинг ривожланиши билан бир қаторда, аҳолининг манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигига эришишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Умуман, фракциялар йиғилишларида депутатлар бу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда масъулликни янада ошириш ҳамда қўшимча қиймат солиғини тўлашга ўтадиган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли иш ташкил қилишда фаол қатнашиши лозимлиги таъкидланди. Юртдошларимизга, ишбилармонлар бу борада ҳар томонлама амалий ёрдам бериш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

ҚАРШИДА КИТОБГА МОНУМЕНТ ЎРНАТИЛДИ

Қарши давлат университети рўпарасида ўрнатилган ушбу монументнинг очилишига бағишланган тантанали тадбир нафақат талаба-ёшлар, балки бутун вилоят аҳолисида катта таассурот қолдирди.

Мазкур монумент қайсидир маънода мамлакатимиз бўйлаб ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

12 дона энг нодир асар тўплами акс этган ушбу монументда ўзига хос рамзий маъно мужассам. Бу ерда буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шароф Рашидов, Абдулла Орипов каби алломa ва мутафаккирлар, эл ардоқлаган таниқли шоир ва ёзувчилар номлари зикр этилганки, кишида фахр туйғусини уйғотади. Бундан ташқари «жавонга» Бальзак, Шекспир, Пушкин каби жаҳон адабиётининг етакчи намояндалари ҳам киритилган.

ЎзА.

Депутатликка номзод аёллар кўпаяди 2

Туман ва шаҳар кенгашларида тарғибот гуруҳлари эса номига шакллантирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛМОҚДА

2019 йилнинг олти ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси давлат бошқаруви ва хўжалик органлари мансабдор шахсларига 18 марта депутат сўрови юборди. Қўмитага келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

— Олти ойда 3 та қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритдик, 2 та қонун лойиҳаси юзасидан фракциялараро дебатлар ташкил этилди, — деди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Азамат Пардаев. – Дебатларда билдирилган танқидий фикрлар, илгари сурилган асосли таклифлар қонун лойиҳаларининг янада маромига етказилишига катта туртки бўлди.

Таъкидланишича, ҳисобот даврида қўмита томонидан давлат органи раҳбарларининг 5 та эшитуви ҳамда қонун талаблари, қонуноти ҳужжатларининг ижроси бўйича 2 та назорат-таҳлил тадбири ташкил этилди. Қўмита ташаббуси билан ички йўлларнинг ҳолати ва уларни яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, истеъмолчиларни суюлтирилган газ билан таъминлаш масалалари «Ҳукумат соати»да муҳокама қилинди.

Депутатларнинг Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига 2019 йилда режалаштирилган 8,5 минг километр ички йўлларни таъмирлаш бўйича ишларни 10 минг километрга ошириш бўйича берган таклифи маъқулланиб, назоратга олинди. Тошкент вилояти Қибрай тумани У.Юсупов маҳалласида синов тарзида бошланган икки босқичли газ таъминотига ўтиш ишларининг ҳолати ўрганилди. Натижада газ босимидаги муаммолар бартараф этилди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари Тошкент шаҳридан оқиб ўтувчи каналларнинг қирғоқбўйи ҳудудларини ободонлаштириш ишларининг бориши, хорижий инвестицияларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш масалаларига эътибор қаратди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг олти ойлик фаолиятига бағишланган матбуот анжуманида таъкидланишича, депутатлар уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратган.

Олти ойда қўмита аъзолари томонидан 390 дан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

– Қўмита жорий йилнинг ўтган даврида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилган ва қабул қилинган «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги конвенцияни (Минск 1995 йил 26 май) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунга масъул бўлди, – деди Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Авазбек Жалилов. – Ҳозирги кунда қўмита аъзолари тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси юзасидан қўмита томонидан таклифлар тайёрланди.

Қўмита томонидан Президентимизнинг хорижий давлатларга амалга оширган расмий ташрифлари якуни бўйича тузилган «Йўл хариталари»да парламентга тегишли бўлган бандларининг ўз вақтида самарали ижро этилиши устидан мониторинг олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Жанубий Корея давлати билан тузилган «Йўл харитаси»даги бандларнинг бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси ўртасида парламентлараро «дўстлик гуруҳлари»нинг ўзаро алмашинувини ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Миллий парламентимизда тузилган парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Қўмита аъзоларининг бевосита иштирокида ўтган давр мобайнида Испания, Миср Араб Республикаси каби мамлакатлар билан парламентлараро «дўстлик гуруҳлари» тузилди. Бугунги кунда дўстлик гуруҳлари сони 28 тани ташкил этади. Ушбу ҳамкорлик гуруҳлари кўмагида парламент делегацияларининг ташрифлари амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг ўтган даври мобайнида Қонунчилик палатасида Туркия, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон, Корея Республикалари элчилари ва Россия, Индонезия, Грузия, Эрон, Буюк Британия парламентлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган учрашувлар ўтказилди.

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

Вақт оз, иш кўп

Ўзбекистон ХДП фаолиятида танқидий ёндашув кучаймоқда

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятдаги обрў-эътибори, нуфузи сайловлар жараёнида яққол кўринади. Партия фаолиятига, Сайловолди дастурига баҳони сайловчи беради. Бироқ сайловнинг натижаси депутатликка номзоднинг кимлигига ҳам боғлиқлигини унутмаслик зарур. Зеро, сайловга тайёргарлик жараёнларидаги энг муҳим вазифалардан бири муносиб номзодларни танлашдир.

Тажрибадан маълумки, сайловчи партиянинг Сайловолди дастуридан кўра, номзоднинг шахсиятига кўпроқ эътибор қаратади. Демак, номзодларнинг шахсий хислатлари билан бир қаторда, аҳоли орасидаги обрўйи қандай эканини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатишда эса унинг билими, ҳаётий тажрибаси ва электорат манфаатларини қаттиқ ҳимоялай олиш имкониятини ҳисобга олиш лозим. Негаки, Олий Мажлис депутати беш йил мобайнида қонун лойиҳалари устида ишлайди.

Яна бир масала. Жорий йилги сайловлардан сўнг маҳаллий Кенгашларнинг мақоми ва масъулияти кучаяди. Жойларда партиямиз мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, электоратимизни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан кўпроқ ўрин эгаллашимиз талаб этилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан яқинда ўтказилган видеомулоқотда шу ва бошқа қатор масалалар хусусида сўз борди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят партия кенгашлари ҳамда шаҳар ва туман кенгашлари раислари иштирок этди.

— Баландпарвоз гаплардан воз кечиб, фаолиятимизни чуқур таҳлил қилишимиз лозим, — деди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов.** — Йўл қўйилаётган камчиликларнинг сабабини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга. Аввало, сафимизда фаолият олиб бораётган кадрларнинг салоҳияти ва ташаббускорлигини ошириш керак бўлади. Хусусан, партия тизимидаги ахборот хизмати бўлими фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозим. Партия Марказий Кенгаши ва минтақавий кенгашларда самарасиз фаолият юритиб келаётган айрим тузилмалар қисқартирилиб, ўрнига ахборот хизмати ва АКТ штатларини жорий қиламиз. Бу эса партиямизнинг Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларида яхши самара беради, деб ўйлайман.

Шунингдек, видеомулоқот давомида ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш, манфаатдорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилишда минтақавий кенгашларнинг ваколатлари хусусида маълумот берилди. Партия минтақавий кенгашларида фаолият кўрсатиб келаётган ижрочи котиблар фаолияти кескин танқид қилинди. Уларнинг аксарияти зиммасидаги вазифаларга совуққонлик билан қараб келгани таъкидланди.

— Ўтган йилда маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига жами 868 масала киритиш мақсад қилинган эди, — деди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев.** — ***Режа бор-йўғи 57 фоизга бажарилди. 29 та партия гуруҳи эса маҳаллий Кенгаш сессияларига бирорта масала киритмаганини қандай баҳолаш мумкин?..***

Жорий йилда 443 масала сессияларга киритилиши кўзланган бўлиб, шу кунга қадар 101 масала сессияларда кўрилди. Ушбу кўрсаткичлар, айниқса, Андижон, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жуда ачинарли аҳволда. 16 та партия гуруҳи сессияларга бирорта ҳам масала киритмаганини ташвишли ҳолат. Албатта, вақт ўтказмай, бунинг сабабларини ўрганишимиз, лозим бўлса, тегишли тавсиялар ишлаб чиқишимиз шарт.

Видеомулоқот давомида мафкура ва тарғибот-ташвиқот масалалари йўналишида амалга оширилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, сайловлар яқинлашгани сари мазкур йўналишдаги ишларни жиддий кучайтириш талаб этилади. Афсуски, партия кадрлари ва фаоллари сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув-машғулотларни ўтказиш тизимли равишда йўлга қўйилмаган. Таҳлилларга кўра, пойтахтимизнинг Сирғали, Олмазор, Яккасарой, Бектемир, Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Янгийўл, Зангиота туман партия кенгашлари томонидан ўқувлар умуман ташкил этилмаган. Шунингдек, Хоразм вилоятининг Урганч, Шовот, Хива, Янгибозор, Сирдарё вилоятининг Ховос, Сайхунобод, Сардоба, Боёвут, Андижондаги Улуғнор, Андижон, Сурхондарёнинг Сариосиё, Узун, Бойсун туман кенгашларида ҳам шундай ҳолат кузатилмоқда.

Барчамизга маълумки, партия ғоя ва мақсадларидан аҳолини кенг хабардор қилиш тарғибот ва ташвиқот ишлари жуда муҳим саналади. Шу боис жойларда фаол партия аъзоларидан иборат тарғиботчилар гуруҳлари ташкил қилинганди. Аммо ўрганишлар натижасида Андижон, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидаги ишлар кўнгилдагидек эмаслиги аниқланди. Гуруҳ аъзолари тадбирларга қатнашмаслиги маълум бўлди. Қорақалпоғистон Республика, Навоий, Сурхондарё вилоятларида эса гуруҳ аъзолари фақат вилоят кенгаши тадбирларига жалб этилаётган экан, холос. Туман ва шаҳар кенгашларида тарғибот гуруҳлари эса номига шакллантирилган. Фақат қоғозда фаолият юритиб келаётган экан.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми, яъни 20 миллиондан ортиғи ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Шуни ҳисобга олганда, ижтимоий тармоқлар ЎзХДП мафкурасини тарғиб қилишда энг самарали восита ҳисобланади, деди партия етакчиси. Шунга мувофиқ бу борадаги ишларни ҳам тизимли ташкиллаштириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

— Жорий йилги сайловларга тайёргарликнинг ўзига хос тизимини ишлаб чиқдик, — деди **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Халилла Эшимбетов** — Бу бизга фуқаролар билан фаол алоқада бўлишимизни таъминлайди, деб ўйлайман.

Ҳудудлардаги шаҳар, туман кенгашларини тўрт секторга бўлиб олдик. Раис, раис ўринбосари, депутатлик гуруҳи раҳбари ва ташкилий назорат ва кадрлар ишлари бўлими бошлиғи бириктирилади. Шунингдек, барча бошланғич партия ташкилотлари раҳбарларининг телефон рақамлари олиниб, улар билан алоқани йўлга қўйдик. Номзодларни танлашда ҳам қуйи бўғин билан ҳамфикрликда иш олиб боришни режалаштирдик.

— Видеомулоқот мобайнида билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқаришимиз керак, — деди **Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Холбек Жалолов** — Бугунги кунда вилоятимизда 8 туман, 3 шаҳар кенгаши фаолият юритмоқда. Айтиш керакки, кишида биринчи тасаввур кўриниш орқали шакланади. Одамлар бир масала билан биздан ёрдам сўраб келадиган бўлса, аввало партия кенгаши биносига қарайди. Ходимлар учун яратилган шарт-шароитларга кўзи тушади. Учинчидан, илиқ муомалани кўрган киши ўз муаммосини тортинмай айтади, ҳал этилишига ишонади. Шунинг учун вилоят партия кенгашининг биносини таъмирладик, шароитни яхшиладик. Шунингдек, Ховос, Сирдарё туманлари, Ширин шаҳар кенгашлари яқин-яқингача ижарада турарди. Уларга ҳам алоҳида бино ажратилди.

Йиғилишда партия ташкилотларига йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД АЁЛЛАР КЎПАЯДИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси сиёсий партиялар билан ҳамкорликда «йўл харитаси»ни имзолаш мақсадида учрашув ўтказди. Унда жорий йилги сайловларга тайёргарлик кўриш ва бу жараёнда хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасида фикр алмашилди.

Таъкидландики, хотин-қизларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

— Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги маърузаси кенг жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда, — деди **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Баситхонова.** — Республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган опа-сингилларимизда ҳам ўзгача кайфият, кўтаринки руҳ ва шижоатни кўрдим. Бир депутат аёл билан суҳбатимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Опа кўп йиллардан буён депутат экан. У ўзини хорғин, кексайгандек ҳис этгани боис, жорий йилги сайловларга номзодини кўрсатишга бироз истиҳолада бўлганини айтди. Аммо Президентимизнинг маърузаларини тинглаб, қайта кучга кирганини, эътибор ва ишончдан ёшарганини билдирди. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, аёлларга ҳурмат кўрсатиб, уларнинг ақл-у заковатидан тўғри фойдаланилса, жамият ҳеч қачон ютқазмайди.

> **Депутатликка номзодларнинг 50 фоиздан ортиғи фаол аёлларимиз орасидан кўрсатилиши бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқдик.**

Хотин-қизлар қўмитаси бешта сиёсий партия билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Депутатликка номзодларнинг 50 фоиздан ортиғи фаол аёлларимиз орасидан кўрсатилиши бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқдик. Тадбир мобайнида ҳужжатни имзоладик. Ўйлайманки, бугунги ҳаракатларимиз ўз натижасини бермасдан қолмайди.

Шунингдек, қўмита таркибида 6 минг нафарга яқин салоҳиятли, фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилган. Уларни депутатликка ва турли раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш бўйича ўқувлар ташкил этилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан меморандум ҳам имзоланган.

— Аёлнинг заковати, ақли дунёда тинчликни ушлаб туришга, мамлакатларни ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди **Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова.** — Тарихдан маълумки, Бибихоним буюк бобомиз Амир Темурга ҳам сиёсат бўйича, ҳам ҳарбий юришларида ўз маслаҳатларини берган ва муваффақиятига ҳисса қўшган. Мамлакатимиз раҳбари мана шу салоҳиятни ўзбек аёлларида кўрдилар. Бу ташаббускорликдан юрт равнақи йўлида фойдаланиш кераклигини таъкидлаб, ўз маърузаларида тегишли вазифаларни белгилаб бердилар. Бугунги тадбир давомида имзоланаётган «йўл харитаси» бу масъулиятли вазифани бажаришда барчамизга қўл келади, деб ўйлайман.

Юқорида Элмира Баситхонова тўғри таъкидлади. Аёл депутат бўлиб фаолият олиб бориши катта масъулият. Сиёсий ҳаёт, кураш осон эмас. Ҳар хил жараёнлар бўлади. Депутатликка номзод аёлларнинг руҳий тайёргарлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Депутат фикри

Ҳаракатсиз натижа бўлмайди

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Икки палатали парламент ташкил этилганига қарийб 15 йил бўлди. Йиллар давомида унинг фаолиятини такомиллаштириш, халқаро майдондаги обрўсини оширишга ҳаракат қилинди.

Вақт ўтгани сайин биз Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришда Олий Мажлиснинг таъсирини ошириш муҳимлигини англай бошладик. Мамлакат раҳбари бу масалага эътиборимизни қайта-қайта қаратаётгани замирида ҳам ана шу юксак мақсад турибди. Сенатнинг 20-ялпи йиғилишидаги нутқида Президентимиз мазкур масалага алоҳида тўхталиб ўтди.

Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда парламент ролини кучайтириш, мамлакатимизнинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини устувор вазифалар сифатида белгилаб берди.

Миллий парламентларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти кенг маънода парламентлараро алоқалар, муносабатлар сифатида таърифланади, улар иккита асосий йўналишда, аввало, хорижий давлатлар миллий парламентлари билан ўзаро муносабатлар асосида, иккинчидан, парламентлараро ташкилотлар ва органлар билан ўзаро ҳамкорлик орқали амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан, Сенат йиғилишида бу масалалар билан боғлиқ 4 жиҳатга эътибор қаратилди. Биринчидан, Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентлараро ассамблеяси ва Ўзбекистон номидан Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқаро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгилайдиган, аниқ ва узоқ муддатни кўзлайдиган иш режаларини белгилаб олиш зарур. Чунки парламентимиз аъзолари тизимли равишда мазкур парламент ташкилотлари фаолиятида иштирок этиб келаётган бўлса-да, мазкур тузилмаларда турли мамлакатлардан келган юзлаб салоҳиятли парламент аъзолари иштирок этадиган ушбу майдондан самарали фойдаланмаяпмиз. Мазкур парламент ташкилотлари конструктив мулоқот учун ноёб платформа бўлиб, унинг салоҳиятидан аниқ режа асосида тизимли фойдаланишимиз лозим бўлади.

Иккинчидан, парламентлараро ҳамкорлик доирасида парламент аъзолари чет элларга расмий ташрифлари олдидан музокаралар доирасида муҳокамага қўйиладиган масалаларни пишиқ-пухта белгилаб олиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Парламентлараро ҳамкорликка оид ташрифларга юқори даражада самарали бўлиши нуқтаи назаридан ёндашиш масаласига эътибор зарур. Ҳозирги кунда аксарият амалга оширилаётган хорижий сафарлар якуни бўйича шунчаки маълумотнома тақдим қилиш билан чегараланиб қоляпмиз. Ваҳоланки, ҳар бир халқаро анжуман ёки семинардан маълум мақсадни кўзлашимиз ва бирон-бир янгиликни амалиётга татбиқ этмоғимиз зарур.

> **Ўзбекистон Республикаси номидан имзоланган халқаро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибида мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш талаб этилади.**

Ўзбекистон Республикаси номидан имзоланган халқаро шартномаларнинг ижросини парламент назорати тартибида мунтазам ўрганишни йўлга қўйиш талаб этилади. Шу вақтгача халқаро шартномаларнинг бажарилиши бўйича парламент назорати тартибида ўрганиш йўлга қўйилмаган эди. Биз фақат юқори даражадаги ташрифлар чоғида имзоланган халқаро шартномаларнинг бажарилиши бўйича тузилган «Йўл хариталари»даги парламентга тегишли бўлган бандларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини назорат қилганмиз. Энди эса барча халқаро шартномалар ижросини ўрганиш вазифалари қўйилмоқда. Уларнинг хусусияти ва йўналишини масъул қўмитанинг бевосита вазифасидан келиб чиқиб ўрганса-сак, мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада қўмита хабардорлигини оширишга, парламент назоратини йўлга қўйган ҳолда шартномаларнинг аниқ бажарилишига эришган бўламиз. Бунинг учун хатодан чўчимаслик, янгиликка қўл уриш, доимий изланиш талаб этилади.

Гендер тенгликни таъминлаш борасида дунёдаги умумий аҳвол қандай? Мавжуд вазиятни баҳолашда нималарга эътибор қаратилмоқда?

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: АФСОНА ЁКИ ҲАҚИҚАТ

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШнинг Хофстр университети профессори Элёр Каримов томонидан Ёшлар пресс-клубида «Гендер тенглик: афсона ёки ҳақиқат» мавзусида ўтказилган илмий-амалий машғулотда ана шу каби саволларга жавоб изланди. Унда мамлакатимизда оила сиёсати масалалари билан шуғулланувчи қатор ташкилот ва муассасалар мутахассислари иштирок этди.

Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг битирувчиси бўлган Элёр Каримов тарихчи ва шарқшунос, ўрта аср, ислом, тасаввуф ва дипломатия тарихи соҳасида қатор илмий ишлар муаллифи ҳамда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тамаддуни тарихига бағишланган 6 жилдли ноёб серияси-нинг ҳаммуаллифи ҳисобланади. Шунингдек, Архив фондлари ва кутубхона коллекцияларининг қимматли ва нодир объектларини асрашга қаратилган Дунё хотираси Бутунжаҳон ҳужжатли меросни муҳофаза қилиш ва уларни кенгайтириш бўйича ЮНЕСКО дастури қўмитасининг аъзосидир. АҚШ тадқиқот марказлари дастурларининг кўпгина изланишларида иштирок этган бўлиб, 1995 йилдан Марказий Осиё Франция тадқиқотлар институти, жумладан, Парижда Ижтимоий фанлар олий мактабида тадқиқотлар ўтказган.

— Ҳозирги даврда турли хил омиллар, хусусан, менталитет билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги боис, дунёнинг аксарият давлатлари аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликни зарур даражада таъминлай олмаяпти. Айниқса, анъанавий оилага асосланган турмуш тарзи билан яшайдиган давлатларда гендер тенглик остида асрлар давомида сақланиб қолган анъаналарнинг бузилиши ҳолатлари кўзга ташланмоқда, — дейди Элёр Каримов. — Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида Сенатда янги тузилма — Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузиш таклифини бергани Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатликни таъминлаш масалаларида кенг имкониятларни яратиши табиий.

Етакчи шарқшунос ва тарихчи Элёр Каримов мавзу юзасидан халқаро амалиёт ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумотлар тақдим қилди ва уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

М.ҚОСИМОВА,
ЎзА мухбири.

Мурғак қалблар матонати ва жасорати

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси Шоҳиста Набиева ҳамроҳлигида болалар Меҳрибонлик уйига борганимизда қалбимиз алланечук ҳисларга тўлди. Кимдир тирноққа зору, кимдир боласидан юз ўгиришга қодир. Бир кам дунёнинг сир-синоатига инсон ожиз экани ҳақида ўйлаб турган бир пайтимизда дарвоза ёнидаги кичик уйчадан «кираверинглар» деган рухсат тегди...



Сув сепилган соя-салқин йўлакда муассаса директори Саида Шарипова билан учрашдик. У йўл-йўлакай Меҳрибонлик уйи 2004 йилда очилгани ва ўша кундан бошлаб болаларга бош-қош бўлиб келаётганини айтди. «Қанчалар меҳрибон, ширинсўз бўлмасин, она ўз фарзандлари учун қаттиққўл, талабчан бўлиши ҳам керак-да. Шунинг учун айрим ҳолларда, айниқса, балоғат ёшидаги йигит-қизларга алоҳида тартиб асосида тарбия беришимизга тўғри келади», деди. Чиндан ҳам, бир оилада 3-4 нафар фарзандни камолга етказишнинг машаққати қанча бўлса, юзлаб болаларнинг тарбияси бир неча баробар кўпроқ меҳнат, сабр-тоқат талаб этади.

— Айни пайтда муассасамизда 110 нафар 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар истиқомат қилади, таълим ва тарбия олади, — деди Саида Шарипова хонага кирарканмиз. — Биласизми, муассасамизда турли тоифадаги ўғил-қизлар бор. Тарбияси оғирлари тарбияга, яна кимдир кўпроқ меҳрга, эътиборга муҳтож. Шу боис ҳамиша уларнинг ёнида бўлишга ҳаракат қиламан. Бир йилда 365 кун бўлса, шунинг 6 кунида уйда қоламан, менимча.

Масалан, бир қизимиз бор эди. Биринчи келган пайтлари қочишга уринди, бу ерга мослаша олмади. Спиртли ичимликлар ичиш, чекиш каби ёмон одатлари ҳам бор эди. У билан узоқ вақт алоҳида шуғулландик, тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилдик. Балким ишонмассиз, бугун у қиз намунали ўқувчилар қаторидан жой олди. Аъло баҳоларга ўқияпти, ниятлари, орзулари ўзгарган. Ҳаётга бошқача назар билан қарай бошлади. У доим «Мен жуда аламзада эдим, отам ташлаб кетгани учун ҳаммани ёмон кўрардим. Ёмон қиз бўлганим учун мени хоҳламаган, демак, ёмон бўлишим керак, деб ўйлардим. Ҳозир бўлса ўтмишимдан уяламан ва у кунларга ҳеч қачон қайтмайман», дейди. Бундан кўриниб турибдики, бола қаровсиз, эътиборсиз қолган. Натижада унинг тарбияси издан чиқа бошлаган. Шукрки, ҳозирда ундан ва уни биладиганлардан яхши фикрлар эшитамиз. Бу жамоамиз ходимларининг меҳнати самараси, деб биламан. Мана шундай натижаларни кўриб, барча қийинчиликларни унутамиз.

Яна бир нарсани айтмоқчиман. Инсон бирор-бир ўзгариш, янгилик қилиш учун депутат ёки раҳбар бўлиши шарт эмас. Ким бўлишидан қатъи назар, юраги ёнмаса, ҳаловатсиз бўлмаса, бари бекор. Мен оддий партия фаолиман холос. Лекин таклифларим, айрим ҳолларда танқидларимни ҳам айтишдан чўчимайман. Бундан буён депутатликка номзодлар танлашда ҳам мана шу жиҳатлар инобатга олинса, яхши бўларди. Чунки депутат бўлдим, деб хотиржамликка берилса, одамларга нафи тегмайди, назаримда...

Меҳрибонлик уйи раҳбари билан яна кўплаб масалаларда суҳбатлашдик. У ҳамкор ташкилотлар, Ўзбекистон ХДП ва депутатлар билан ўтказилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Болалар ҳолидан хабар олаётган инсонлардан миннатдор экани, уларнинг келиши тарбияланувчиларга хурсандчилик улашишини айтди. Ходимларидан бирига тушликдан қайтган болаларни фаоллар залига йиғишни топширди. Биз эса улар билан бирма-бир танишиб, суҳбат қурдик...

Хуршида ҲОЖИЕВА,
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси:

— Асли шофирконликман. Бу ерга келганимга 4 йил бўлди. Биринчи келганимда қўрқиб кетган эдим. Қизларга тарбиячи бўлиб ишлайдиган устозимиз бор, Марям опа. У кишини маҳкам қучоқлаб, йиғлаганман. Кейинчалик дугоналар орттирдим, ҳамма билан яхши чиқишиб кетдик. Баъзи қизлар билан шу қадар қалин бўлиб кетганмизки, худди туғишган опа-сингиллардекмиз. Умуман, муассасамизда ҳамма бир-бирини туғишгандек, бир оила, деб билади.

Бўш вақтларимда китоб ўқишни ёқтираман. Ўзим ҳам шеърлар ёзиб тураман. Кўпроқ соғинч, ота-она, табиат, қушлар ва капалаклар ҳақида ёзаман. Уларни устозларимга, дугоналаримга ўқиб бераман, фикрларини сўрайман. Мактабимиздаги турли тадбирларда қатнашиб тураман. Бундан ташқари, мусиқа ва санъатга, қўшиқ айтишга жуда қизиқаман.

Орзуларим, келажакдаги режаларим катта. Энг аввало, болаларимни ҳеч кимга қаратиб қўймасликни ният қиламан. Чунки фарзанд тарбияси, уни боқиб катта қилиш ота-онанинг зиммасидаги вазифа, бурч деб биламан. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Бола фақатгина тўлақонли оилада ўзини чинакам бахтли ҳис қилади. Ота-она ўрнини ҳеч ким босолмайди. Агар менга имконият берилса, жон-жон деб уйимга қайтардим. Сабаби, ҳамманинг ўз оиласи, уйи бўлиши керак. Бироқ бу ерни ҳам ҳеч қачон ташлаб қўймасдим, унутмасдим. Бу ердагиларни ҳам менинг оилам, деб биламан. Уларни ҳеч кимга қиёслаб, алмаштириб бўлмайди.

Фотима ФАЙЗИЕВА,
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси:

— 9 йилдан буён Меҳрибонлик уйида яшаб келяпман. Мен кўпчилик каби дастлаб бу ерга кўниколмадим. Ҳаммадан яширинча йиғлардим, уйимни соғинардим. Вақт ўтиб, бу ер ҳам ўз уйимдек бўлиб қолди. Ҳозир аксинча, уйга кетгим келмайди. У ерга борсам, ўзимни бегонадек ҳис қиламан. Тезроқ муассасамизга, дўстларим, устозларим ёнига қайтгим келади. Сабабини айтолмайман, лекин уйимиздаги муҳит кайфиятимга ёмон таъсир қилади. Шу сабабли у ерга боришни унчалик хоҳламайман.

Яхши ўқиб, институтга кирмоқчиман. Келажакда темир йўлчи бўлишни орзу қиламан. Ана шунда юртимизнинг барча гўшаларини кўриш имконим бўлади. Ниятларим амалга ошса, дунёнинг энг гўзал шаҳарларига саёҳат қиламан.

Евгений РУСТАМОВ,
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси:

— Онамнинг вафотидан кейин жуда ҳам тушкунликка тушиб қолгандим. Тўғриси, у кунларни эслашни ҳам истамайман. Меҳрибонлик уйига келиш билан ҳаётим яхши томонга ўзгарди. Аввалларида деярли барча фандан «3» баҳо олардим. Ҳозирда чораклaримга 6 та фандан «5», қолганларидан «4» чиқди.

Болалигимдан футболга қизиқаман ва ушбу спорт тури билан доимий шуғулланаман. Футбол жамоавий ўйин бўлгани учун ҳам уни ёқтираман. Ғалаба бир кишининг қўлида эмас. футболда инсондаги «мен» тушунчаси йўқолади. Бир-бирини қўллаб-қувватлаш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, жамоа ғалабаси учун курашиш лозим.

Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи лигасида ўйнайман. Майдонда ҳужумчи вазифасини бажараман. Лекин ҳаётда асосан ҳимоячиман. Айниқса, мана шу муассасадаги қизлар ва кичик ёшдаги болаларни қўлимдан келганча ҳимоя қиламан.

Футбол ҳаётимнинг бир бўлаги. Доимий равишда ўз устимда ишлайман, спортсиз ўтган бирор куним бўлмайди. Насиб қилса, олий лигада, нуфузли футбол клубларида тўп суриш ниятим бор. Халқаро турнирларда терма жамоамиз сафида иштирок этишни орзу қиламан. Албатта, астойдил ҳаракат қилсам, ниятимга етишимга ишонаман.

Дилноза ОРИПОВА,
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси:

— Муассасада уч опа-сингил бирга яшаймиз. Менинг фикримча, ҳар қандай инсон ўз оиласида камолга етиши керак. Ота-оналар фарзандларидан юз ўгирар экан, нега дунёга келтиришади? Агар менга имкон берилса, онамнинг қаршисига бориб, нега мени ташлаб кетганини сўрардим. Чунки ҳеч нарса шунчаки, сабабсиз содир бўлмайди, деб ўйлайман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, уйимиздаги муҳитни кўрганим учун, ойим қилган хатони ҳеч қачон такрорламасдим.

> **Мен онамни соғинмайман. Унинг қилган ишини ҳеч қачон кечира олмасам керак. Бир эмас, уч нафар қизини кўчада қолдирган онани ҳеч тушунмайман.**

Бу ердагиларнинг деярли ҳаммаси оиласини, онасини соғинади. Лекин менда бу туйғу йўқ. Мен онамни соғинмайман. Унинг қилган ишини ҳеч қачон кечира олмасам керак. Бир эмас, уч нафар қизини кўчада қолдирган онани ҳеч тушунмайман. Айниқса, сингилларим онамизни соғиниб, йиғлашса, ундан кўп жаҳлим чиқади. Шунга қарамай, уларни юпатишга, қийинчиликлар ўткинчи экани, келажакда кўп бахтли кунлар борлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Лекин сингилларимнинг фикри бошқача. Агар онам уларни олиб кетаман деса, рози бўлишади. Афсуски, мен ундай қилолмайман. Онамни кўриб, ундан яна бир бор кўнглим қолишини истамайман.

Ҳаётда инсон сабрли ва иродаси мустаҳкам бўлиши керак. Қийинчиликларни енгиб ўта олиши лозим. Акс ҳолда у бахтга, орзуларига эриша олмайди. Енгил-елпи ҳаётга ўч инсонларни қоралайман. Кун келиб, улар ҳамамси учун афсусланишини ўйламайди. Мен асло бундай йўлдан бормайман. Шунинг учун яхши инсонлар билан дўст бўлиш керак, яхши инсонлар сафига қўшилишга интилиш лозим.

Шаҳбоз РАҲМАТОВ,
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси:

— Мен ғиждувонликман. Аввал ҳам бу ерга келгандим ва қайтиб кетганман. 2017 йилдан буён яна Меҳрибонлик уйида яшаяпман.

Оиламизда опам ва акам ўқимаган. Шунинг учун уйимиздагилар ҳеч бўлмаса сени ўқитайлик, деяпти. Олий маълумотли бўлишимни, яхши жойларда ишлашимни исташади. Ўзим келажакда ички ишлар ходими бўлмоқчиман. Ҳозир ҳам кўча-кўйда форма кийган инсонларни кўрсам, бориб қўлларини сиқиб, менга оқ фотиҳа беришини сўрайман. Уларнинг касбидаги машаққатлари, ўзига хосликлари ҳақида савол бераман. Ниятим яхши ўқиб, оиламга, яқинларимга ва албатта халқимга нафим тегадиган инсон бўлиш...

...Меҳрибонлик уйида яшовчилар билан яна анча гаплашдик. Хонада ўтирган ҳар боланинг тақдири, орзу-истаклари алоҳида мавзу бўлишга муносиб. Уларнинг ҳикоялари, қалб кечинмалари, ният ва мақсадларини тинглаб, гоҳ севиндик, гоҳ кўзимиз намланди. Улар ҳали ақлини танимасдан, тили чиқмасдан ҳаётнинг оғир синовларига йўлиққан. Болаликнинг оиладаги эркаликлари, бахтли онларидан маҳрум бўлишган. Аммо эртанги кунга ишонч, келажакка умид билан яшашмоқда. Айни шу ҳақиқатни мурғак қалбларнинг буюк жасорати, қудрати, дейиш мумкин.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Вилоятда 638 фермер ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказди.



«ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН»

Ёки қашқадарёлик ғаллакорлар давлатга илк бор 500000 тонна дон етказиб беришди

Кўнгил сезаркан юракларни ларзага солган бу хушхабарни. Бир ойдан буён бепоён воҳа кенгликларини кезаман, сув хўжаликлари, ғаллазорларга бораман, тажрибали деҳқонлар, селекциячи олимлар фикрини тинглайман. Хушхабардан фахрланаман, севинаман...

Абу Али ибн Сино бобомизнинг «Тиб қонунлари» китобида ноннинг қандай неъматлиги, истеъмол қилиш меъёрлари, хиллари ҳақида маълумотлар бор.

Нон юракни қувватлантиради, умрни узайтиради, унда магний, бошқа маъданлар, ноёб дармондорилар ва минералларнинг бир қанча турлари бор. Ҳамма замонларда ҳам нон тириклик манбаи, қиёси йўқ таом бўлган.

Шўро замонида қишлоғимизда Россиядан келадиган «Саратов уни» талабгорлари кўп бўларди. Яқин-яқингача қўшни қозоқ деҳқонлари етиштирган буғдой унини талашиб харид қилиб келдик. Булар бор гап. Аммо икки йилдан буён оиламизда Шаҳрисабзнинг (шаҳарда донни қайта ишлаш корхонаси бор) унидан нон пишира бошладик — хуштаъм, ҳазми енгил. Бу ўзгаришларнинг боиси нимада?

— Сабаби, ғалла ва уннинг сифатида, — дейди Қарши шаҳрининг Рогузар маҳалласида жойлашган «Нур» нон ишлаб чиқариш МЧЖ бошлиғи Жаҳонгир Қурбонов. – Бизнинг корхона 1968 йилдан буён ишлаб келяпти. 2004 йилда хусусийлаштириб, ускуналарни янгилаб олдик. Болалар оромгоҳлари, таълим муассасалари, шифохоналар, шаҳардаги савдо дўконларига маҳсулот етказиб берамиз. Бир кунда 8 тоннагача нон пишириш қуввати яратилган. Фақат ўзимизда ишлаб чиқарилган унни харид қиламиз. Асосий ҳамкоримиз «Дунё-М» корхонаси.

Воҳадаги энг йирик корхоналардан бирига бордим. У 1973 йилда қурилган. Йиллар давомида таъмирлаб, ишлатиб келинган. Ходимлар билан танишдик, ишлаб чиқариш директори Комилжон Акбаров асли Шаҳрисабзнинг тоғли қишлоғидан, бош технолог Нурулло Ҳайдаров Қарши шаҳрининг «Наво» маҳалласидан, цех бошлиғи Ғуломжон Абдураҳимов Чироқчи туманидан экан. 1-тегирмон цехига кирдик, тоза, ораста, бошқарув марказида Улуғбек Ҳусанов диққатини ускуналардан узмайди. Янгилик шуки, 2018 йилда эскирганлари ўрнига Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилибди. Маҳсулот сифати, унумдорлиги ошибди, бир суткада 300 тонна донни қайта ишлай оларкан. Икки йилдан буён Афғонистон ва Тожикистонга ун ва дон экспорт қилишаркан. «Бу йилги буғдой озуқага, сувга тўйган, нави яхши, сифатли, шунинг учун унимиз серталаб, — дейди бош технолог. – Бунинг учун ғаллакорларга раҳмат!»..

Хушхабарни эшитиб, эрта тонгда соҳил яқинидаги кўп қаватли вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасига келдим. Бошқарма деҳқончилик бўлими бошлиғи Баҳодир Искандаров билан суҳбатлашдим ва Шодиёр ака Хўжаназаровни учратганимдан севиниб кетдим.

Чунки Шодиёр ака иқтидорли олим, воҳа қишлоқ хўжалик тарихини яхши билади. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида университетда ўқиди, ўсимликлар генетикасига оид илмий ишини шу ерда ёқлаб, биология фанлари номзоди бўлди. 1986 йилда Ислом Каримов вилоятга раҳбар бўлганида, Шодиёр акани вилоят агросаноат бирлашмаси бошлиғининг деҳқончилик бўйича ўринбосари вазифасига қўяди, ёнида олиб юради, маслаҳатлашади, ноҳақ тазйиқлардан ҳимоя қилади.

— Ўта оғир даврларни бошдан ўтказдик, — дея эслайди Шодиёр ака. – Қама-қама авж олган пайтлар эди. Деҳқончилик режалари бажарилмас, ерлар шўрланиб кетган, одамлар кўнгли ишдан совиган йиллар эди. Янги раҳбарнинг ғайрати, ишончи бизларга ҳам юқди, қаттиқ ишладик. Пахта режаси ошириб бажарилди, сабзавот, узум мўл бўлди, такрорий экинларга эътибор кучайди. Кечагидек эсимда, вилоят раҳбари саксон еттинчи йилда суғориладиган ерга ғалла экиш масаласини қўйганда, айрим район раҳбарлари: «Нима деяпсиз, биздан пахта сўрайди», дея тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатишганди. Аммо Ислом ака қатъий туриб, 30 минг гектар суғориладиган майдонга дон эктирганди. Шунинг учун ғалла мустақиллиги йўлидаги кураш Қашқадарёда бошланган эди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Аммо асосан лалми ерларга дон экилар, суғориладиган озгина майдондаги ҳосилдорлик 11-14 центнердан ошмас, чунки иқлимга мос бўлмаган уруғлар четдан келтириларди.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё вилоят филиалида кўп бўлганман. Лабораторияларда хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналардан фойдаланилади. Яна бордим. Филиал директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ойбек Аманов Мексика, АҚШ, Грузия, Австралия, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Туркия каби ўнлаб давлатлардаги олимлар билан ўзаро ҳамкорлик, изланиш натижалари ҳақида ҳикоя қилди. Қашқадарёда яратилган серҳосил, эртапишар, занг касаллигига бардошли юмшоқ буғдойнинг «Яксарт», «Туркистон», «Ғозғон», қаттиқ буғдойнинг лалмикор ерлар учун «Мингчинор», «Лангар», сувли майдон учун «Насаф» навлари ўзини оқлаяпти. Андижон, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг 350-400 минг гектар майдонида ўстирилмоқда. Бу йил Қашқадарё ғаллазорларида экилган навларнинг 70 фоиздан кўпроғи филиал олимларининг изланишлари самараси.

Умуман, воҳада уруғчиликка катта эътибор берилмоқда. Жами 495 уруғчилик хўжалиги 11 минг гектар майдонда буғдойнинг элита ва супер элита навларини етиштирмоқда. Мен Яккабоғ туманидаги Қозоқ қишлоғи атрофидаги далада 20 гектар ерга «Бунёдкор» навидан экиб, «90 центнердан уруғлик ғалла оламан», деган фермер хўжалиги бошлиғи Ойбек Бободўстов билан суҳбатлашдим. Кайфияти аъло. Уруғлик дон жамғариш режаси ҳам уддаланибди. Демак, яна ҳосил мўл бўлади. Хўш, бу навлар қандай ерга экилади ва суғорилади? Юқори ҳосилдорликнинг асоси фақат уруғдами, ёки бошқа омиллар ҳам борми?

1991 йилда Республикамиз бўйича 914 минг тонна, Қашқадарё вилоятида 210 минг тонна дон етиштирилган экан, холос. Ҳосилдорлик ниҳоятда паст бўлган. Тарихий воқеалар шоҳиди, катта олим Шодиёр ака Хўжаназаров шундай маълумотларни келтирди: вилоятда ғалла ҳосилдорлиги суғориладиган майдонларда 2000 йил 14,8 центнерни, 2005 йилда 26, 2009 йилда 44 центнерни ташкил этган. Ўтган йили суғориладиган майдонларда ҳосилдорлик анча ўсган, бироқ қурғоқчилик туфайли лалми ерлардаги ғалла қуриб кетган. Натижада давлатга дон сотиш режаси уддаланди, аммо уруғлик жамғаришга озроқ етмай қолди. Очиғи, айримлар ернинг хусусияти, тупроқ унумдорлигини таҳлил қилишни ёқтиришмайди. Бу ўта зарарли ва хато ёндашув, чунки кучсизланиб қолган ердан ҳеч нарса олиб бўлмайди.

Саксонинчи йилларда воҳа ерлари, айниқса, Қарши даштидаги суғориладиган майдонларнинг катта қисми шўрланиб, қамиш босиб кетган. Коллекторлар тўлиқ тозаланмас, ёпиқ дренаж қувурлари ишламасди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам тупроқ унумдорлигини оширишда кўплаб қийинчиликларга дуч келинди.

Мен юриб-юриб, Қарши даштининг йирик Нишон туманига, унинг энг чеккасидаги Таллимаржон сув омборига етиб келдим. Етмишинчи йилларнинг ўртасида даштни ўзлаштириш шу жойдан бошланган ва янги туман тузилганди. Чўлни ўзлаштиришдаги пала-партишлик, ажратилган маблағларни турли йўллар билан талон-тарож қилиш натижасида кутилган натижага эришилмади. Кейинги йилларда ҳам шўрланиб кетган ерлар деҳқонларни роса қийнаб келди.

Таллимаржон сув омбори улкан шокоса, унда 1-1,5 миллиард кубометргача сув тўпланади ва экинзорларга узатилади. Улкан сув ҳавзасига иш юзасидан келган Ботир ака Раҳимовни кўриб севиниб кетдим. У кишининг фаолияти сув иншоотлари, деҳқончилик билан чамбарчас боғлиқ. Мен «Қашқадарё» вилоят газетасида ишлаганимда Ботир ака Ҳисорак сув омбори қурилишига раҳбарлик қилар эди, барча ишларни якунига етказган ҳам шу киши. Кейинги ўн олти йилда «Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси» бошлиғи бўлиб ишлаб келяпти. Ўтган йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор фахрий унвони билан тақдирлаган ва юксак мукофотни Президентимизнинг ўзи топширганидан фахрланади. У киши вилоят ҳокимлиги томонидан ғалла, пахта ва бошқа экинлар парваришига кўмаклашиш мақсадида тузилган «оқсоқоллар гуруҳи»га аъзо экан.

— Ўтган йилги сув танқислиги, қурғоқчилик ҳаммага маълум, — дейман гапни гапга улаб. — Ўша ёз кунларида Деҳқонобод туманида бўлганимда, қир-адирлар қуриб — қақшаб кетгани туфайли қўй-қўзилар қум кавшагани, қанчаси нобуд бўлиб кетганини биламан. Бу йил апрель ойининг охирида бордим, ўт-ўланга тўла қирлар, буғдойзорларни кўриб, Оллоҳнинг марҳаматига шукр айтдим. Адирлар бағридаги 70 гектар лалми ерга буғдой экиб, 20-22 центнердан ҳосил олган фермер Нурмуҳаммад Юсуповнинг севинганини айтмайсизми?! Чорвасига ҳам роса хашак йиғиб олибди.

Катта лалми майдонларга эга Чироқчи туманига ҳам бу йил баракали келди. Масалан, «Файз» хўжалиги 60 гектар ерга деҳқончилик қилган. Бу ерларда ҳосилдорлик 12-14 центнердан ошмасди, бу йил 28 центнерга етибди. Шартнома режасидан ошган, 100 тонна дон хўжалик ўзида қолибди. Қора шудгорга, ерларни озиқлантиришга катта эътибор беришар экан. Чорваси, 10 сотих ерда иссиқхонаси бор экан. Бу йил 20 гектар ерга яна кечки тарвуз эккан. Лалми ерларда меҳнат қилган деҳқонларнинг куни туғди бу йил. Яна қаранг, воҳанинг бир давр — янги режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Вилоятда 15 та сув омбори бор, — давом этади Ботир ака. – Аммо Президентимизнинг қарорлари, вилоятга ташрифлари давомида берган кўрсатмалари бошқа соҳалар қатори воҳа қишлоқ хўжалигини юксалтириш борасида мукаммал дастурдир. Унга биноан катта ишлар бошланган ва янгилари режалаштирилмоқда. Масалан, Яккабоғ туманида Гулдара сув омбори қуриляпти. Деҳқонободда сел сувлари сунъий ҳавзада тўпланади. Ғузор туманида Амударё сувини узатадиган «Дўстлик-1,2,3» насос станцияси бунёд этишга юртимизнинг жуда катта маблағи ва хорижий сармоя йўналтирилмоқда. Бу орқали 22 минг гектар ерни суғориш тубдан яхшиланади. Китоб туманида «Варганза — 1,2» насос станцияларини таъмирлаш «Оқбой» янги насос станциясини қуришга киришилди. Яқин орада шу туманда Сарой насос станцияси қир-адирларга сув узата бошлайди. Бундай хайрли ишлар Косон, Яккабоғ, Қарши туманларида ҳам мўлжалланган, айримлари бошланиб кетган. Боғ-роғларни томчилатиб суғориш ва сувни тежашга катта эътибор берилмоқда. Демак, келгусида воҳада қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик янада равнақ топади.

Яна бир янгилик. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли қарорига асосан, фермер хўжаликлари йириклаштирилиб, ўтган йилги 8028 ўрнига 4040 хўжалик билан ғалла сотиш юзасидан шартнома тузилди. Энг муҳими — қарорнинг 8-бандида алмашлаб экишни яхшилаш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган. Демак, энди ер ҳосил беришдан чарчамайди.

Яккабоғ туманида «Суюнов Мирзо Нормахматович» фермер хўжалиги бор. Узоқ йиллар уни Мирзо Суюнов бошқарди, ғалла ва пахтадан юқори ҳосилдорликка эришгани туфайли Республика «Уруғчилик энциклопедияси»га ишлари киритилди. Хўжаликни бир неча йилдан буён ўғли Фазлиддин раҳбарлик қилмоқда. Илғор эди, бир теримда пахта режасини уддалар, ғалласи ҳам мўл бўларди. Ўтган йили собиқ туман ҳокими тазйиқ ўтказиб, хўжаликка тегишли «Класс»комбайни билан ўримга рухсат бермади. Баҳона — ёнғин олдини олувчи қайсидир ускунаси носоз эмиш. Бу ёлғон эди — чунки унинг акалари Тошкентда «Яккабоғ шарбатлари» кичик корхонасини очган, ўзларига тўқ, бир зумда етишмаган эҳтиёт қисмини топиб беришарди. Хуллас, хўжалик товар донни, пахта режасини бажарди, фақат уруғлик донга озгина етмади. Чунки сентябрда экилган буғдой кечикиб ўрилгани туфайли анча дон ерга тўкилиб қолди. Энди туманда янги ҳоким, янгича муносабат. Жами 105 гектарнинг 50 гектарига «Бунёдкор» навли буғдой ўстирган Фазлиддин ҳосилни ўз комбайнида яйраб ўрди, ҳосилдорлик 80 центнердан ошди, режа ошириб уддаланди.

— Деҳқоннинг эркини бўғмаслик, ҳақини ўз вақтида бериш лозим, — дейди **Яккабоғ туман қишлоқ хўжалик бўлими бошлиғининг ўринбосари Баҳром Нуралиев.**

Бу йил ҳукуматимизнинг қарорига биноан, ҳосилдорлик 51-60 центнер бўлса, 1 тонна дон учун 1 миллион 440 сўмдан, агар 61 центнердан юқори бўлса, 1 миллион 500 минг сўмдан ҳақ тўланади. Бу деҳқонга мадад ва руҳ беради.

Ҳа, илк бор юқори ҳақ тўлаш, моддий омил катта кўтарилишга олиб келди. Вилоятда 638 фермер ҳосилдорликни 65-70 центнерга етказди. Ўримда 470 дан ошиқ, шу жумладан, 70 та янги комбайн қатнашди. Косон туманида Акром Шукуров 760 гектар, Муборак туманида Соҳиб Боймуродов 680 гектар ердаги ғаллани ўриб беришди.

— Очиғини айтайми, ҳукуматимиз деҳқоннинг ёнида турди, — дейди мамнунлик билан Касби туманидаги «Фурқатбек замин кўрки» хўжалигининг иш бошқарувчиси Рўзиқул Ўринов. — Озуқа, сув ўз вақтида етказилди. Ўримда қийналмадик. Жами 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил олдик. Шартномани 144 фоизга бажардик.

Бу гапни 86 гектар ерда деҳқончилик қилиб, режадаги 222 тонна ўрнига 268 тонна дон сотган фермер Ориф Нормуродов ҳам айтади. Барча туманларда ўзгариш, янгиланишлар яққол кўзга ташланди. Косон, Китоб, Қамаши, Қарши, Касби, Нишон туманларида юқори ҳосилдорлик кўзга ташланиб турди. Энг кўп донни Миришкор ва Косон туманлари ғаллакорлари етказиб берди.

Дастлабки сарҳисоб шундай: вилоятда бу йил 141 минг 800 гектар суғориладиган ва 63 минг гектар лалми ерларда деҳқончилик қилинди. Дон сотиш ва уруғлик жамғариш бўйича 408 минг тонна ғалла етказиб бериш шартномада белгиланган эди. Юртимиз ва Қашқадарё тарихида эсда қоларли воқеа юз берди — жами 500 минг тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Суғориладиган майдонларда илк бор ҳосилдорлик 65 центнердан ошди, ўрим давом этаяпти. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида етиштириладиган дон 1,5 миллион тоннадан ошади.

Ботир ака Раҳимовни Таллимаржон сув ҳавзаси бўйида қолдириб, тўлқинланиб оқаётган Қарши канали ёқалаб йўлга тушаман. Канал суви минг-минглаб гектардаги такрорий экин экилаётган майдонларга оқмоқда. Демак, ноз-неъмат мўл бўлади.

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Пойтахтимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан «Ўсимликлар клиникалари — қишлоқ хўжалигида замонавий ёндашув» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда инспексия раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

«Ўсимликлар клиникалари — қишлоқ хўжалигида замонавий ёндашув»

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизда зарарли организмлардан холи ва экологик тоза маҳсулот етиштириш, чет давлатларга мевасабзавот экспортини янада кўпайтириш ҳамда миллий маҳсулотлар учун янги бозорларга йўл очиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш ва аҳолини карантин зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш масалалари муҳокама этилди.

Хусусан, бугунгача 96 фумкамера ташкил этилди ва улар сонини яқин 2 йил ичида 200 тага етказиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу кунгача атиги битта марказий лаборатория ишлаган бўлса, эндиликда ҳар бир ҳудудда лабораториялар фаолияти йўлга қўйилмоқда ва хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Ўзбекистонда илк маротаба Хоразм, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида карантин лабораториялари ташкил этилди. Бугунги кунда ҳар бир туманда камида 2-4 та ва ундан ортиқ инспектор фаолият юритаётгани эвазига дала назорати сезиларли даражада ошди, ва экспортёрлар учун энг асосий хужжат ҳисобланган, хорижий давлатлар томонидан тан олинган Фитосанитар сертификатларини даланинг ўзида ёзиб бериш имконияти яратди.

Масалан, 2018 йилдан 2019 йилнинг июнь ойига қадар 200 дан ортиқ турдаги мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорти учун 17 хорижий давлатнинг карантин рухсатномалари олинди. Ҳозирги кунда биргина қовун экспорти бўйича Япония, Ҳиндистон, Марокаш, БАА, Малайзия, Сингапур каби давлатлар билан келишувга эришилган бўлса, жорий йилда яна Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Вьетнам, Таиланд, Индонезия, Иордания сингари мамлакатлар карантин хизматларидан экспорт учун рухсат олиш қутилаётгани қувонарли ҳолат.

Тадбир давомида Президентимизнинг Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бугунгача 180 туман ва шаҳарда 200 ўсимлик клиникалари ташкил этилганлиги ва жорий йилда уларнинг миқдорини 400 тага етказиш кўзда тутилаётганлиги ҳақида маълумот берилди.

Тадбир якунида ОАВ ходимлари томонидан соҳа мутахассисларига бир қанча саволлар берилди ва керакли жавоблар олинди.

Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Оила мустаҳкам бўлса, жамиятдаги кўплаб муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

«Оилани мустаҳкамламасдан туриб, давлатда тартиб ўрнатиб бўлмайди»

Конфуций



Акмал САИДОВ, академик:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, ҳозирги кунда дунёнинг 7 миллиарддан ортиқ аҳолиси, яъни 85 фоизи оилаларда яшар экан. Мендаги маълумотлар эса Ўзбекистонда 7,5 миллион оила борлигини кўрсатади. Демак, юртимиз аҳолиси 33 миллиондан иборат бўлса, ҳар бир оила ўртача 4 кишидан иборат: эр-хотин ва иккита фарзанд.

Оиланинг ягона, ҳаммага бирдек мақбул таърифи борми? Йўқ, чунки оила — шунчалик кўп қиррали тушунчаки, ҳозирги кунда ижтимоий фанларнинг деярли барчаси ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, оила муаммолари билан шуғулланади. Масалан, мен оилага ҳуқуқий тушунча сифатида кўпроқ эътибор бераман. Психологлар психологик томонига урғу беради, кимдир оилага миллий қадрият сифатида ёндашади. Шунингдек, дин арбоблари, файласуфлар, тарихчи ва социологларнинг оила институтига нисбатан ўз ёндашувлари бор. Буларнинг барчаси оиланинг улкан ижтимоий муаммо эканлигини кўрсатади. Бугун оила масаласи фақат бир давлат миқёсидаги эмас, балки жаҳон жамоатчилигини ўйлантираётган глобал муаммодир.

Ҳозирги кунда Ғарбдаги кўпгина давлатларда оила институти қадрият сифатида ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Жуфтликлар ўзаро келишув асосида, бир-икки йил бирга яшаб кўришади. Сўнг турмуш қуриши мумкин. Оилага бўлган бу каби муносабатни биз қабул қилмаймиз. Динимиз ҳам ношаърий оилани тан олмайди.

Оиланинг бошқа эътибор қаратадиган жиҳатлари ҳам кўп. Бугун оилани ҳимоя қилиш ҳуқуқ сифатида тан олинмоқда. Бир конференцияда қатнашганимда хорижлик эксперт бизнинг маҳалла институтини танқид қилганди. Унинг фикрича, маҳалла аёллар ҳуқуқини бузаётган экан. Нимага бузаяпти, десам, маҳалла ярашиш комиссиясининг хулосасисиз ажрашишни суд кўриб чиқмаслиги ва ажрашишга йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ таомил нотўғри эмиш. Улар айтаяптики, аёлнинг ўз ҳуқуқи бор, хоҳласа яшайди, хоҳласа ажрашади. Маҳалла фаоллари эса аёлни турмушингдан ажрашмайсан, оиланг билан яшайсан, деб мажбурлаётган эмиш, ўша хорижлик мутахассис гўё, буни инсон ҳуқуқларининг бузилиши, деди.

Мен шунда сизларда қанақа билмадиму, биз иложи борича оилани сақлаб қолиш тарафдоримиз, дедим. Агар оила бузилса, аёлнинг учта боласи тақдири билан боғлиқ, яна нечта муаммо туғилади: Етим қолган учта боланинг қанчалаб ҳуқуқлари, хусусан, болаларнинг яшаш ҳуқуқи, турар-жойга бўлган ҳуқуқи, моддий таъминот ҳуқуқи муаммосини келтириб чиқарамиз-ку?! Ажралиш билан боғлиқ бир ҳуқуқни ҳимоя қилиб, тўрт ёки беш муаммони кўпайтириб юборамиз, шу тўғрими, дедим. Индашмади.

Оила муаммоларини ҳал этиш учун қуйидаги таклифларим бор.

Аввало, оила муносабатлари бўйича барча тадқиқотлар, мақолалар, рисола ва китобларнинг библиографиясини фанлар йўналиши бўйича тузиш лозим. Қани, педагоглар ва психологлар, бошқа соҳа вакиллари қандай тадқиқотлар ўтказган экан, билайлик.

Тиббиётда ҳам оила-жуда катта мавзу. Умуман, барча йўналишлар бўйича тадқиқотлар даражасини аниқлаб олайлик, натижамиз нечоғлик экан? Мустақиллик йиллари оила институти бўйича қандай ишлар ҳимоя қилинган экан? Агар буларни аниқ билсак, ҳозирги кунда қайси муаммоларни ўрганиш бирламчи бўлиши кераклигини ҳам аниқлаб оламиз.

Сўнгра оила муаммоларини илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш юзасидан фанлар бўйича умумий, яхлит дастур тузиш керак. Шунда ҳозир ҳуқуқшунослик, фалсафа, педагогика каби соҳалар бўйича қайси муаммоларни кўтаришимиз кераклиги ойдинлашади.

Асосийси, оила муаммоларини ўрганиш бўйича доимий ҳаракатдаги методологик семинарлар ўтказишни йўлга қўйиш лозим. Бу ўринда фақатгина «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази»нинг ўзи ҳеч қачон муаммони ҳал қила олмаслигини эътибордан соқит қилмаслик лозим. Яъни бу ишга бутун жамоатчиликнинг фикрини жалб қилишимиз керак. Хусусан, тадбирларда янграётган турли фикр-мулоҳазаларни, аниқ факт ва далилларни оила мавзуси бўйича илмий иш қилаётган магистрлар, фан докторлари, олимлар ҳам иштирок этса, бу уларга ўз илмий тадқиқотларини ҳаёт ҳақиқатларига том маънода мувофиқлаштириш имконини беради. Ҳозирги пайтда эса, афсуски, кўпчилик илмий ишлар тартибга солинмаган. Юртдошларимизнинг оила билан боғлиқ дарду-ташвишлари ҳамда бу муаммоларнинг ечимлари акс эттирилган долзарб мавзулар жуда кам.

Аввалларги оила институти миллий даражадаги фаолиятимиз меъзони ҳисобланган бўлса, ҳозирги кунда бу масала халқаро миқёсга кўтарилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, каби асосий халқаро шартномалар ёки исталган минтақавий ҳужжатларда оила ҳуқуқлари юқорига қўйилган. Ҳозир нафақат миллий даражадаги оила ҳуқуқи, балки халқаро оила ҳуқуқи ҳам жадал шакллланмоқда. Халқаро ҳужжатларнинг барчасида «Оила — бу жамиятнинг бирламчи бўғини, асоси», деган фикр сингдирилган. Айни чоғда миллий қонунчилик билан халқаро қонунчилик ўртасидаги бу мутаносиблик етарли эмас. Шунинг учун оилага оид миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини ишлаб чиқишимиз зарур. Сўнгра миллий қонунчилигимизда ҳам шундай тажрибани ўтказамиз. Кейинчалик у халқаро қонунни акс эттирадими ёки йўқ, буни билиб оламиз. Бундай муҳим амалиётни ҳали ҳеч ким, хаттоки Европа Иттифоқи ҳам амалга оширмаган.

Оила, авваламбор, ижтимоий муносабатдир. Чунки, оила бир неча шахслардан ташкил топади. Шунинг учун мен икки ёш турмуш қураётганда ўртада ўзаро никоҳ шартномаси тузишни таклиф қилгандим. Лекин бу фикримни кўпчилик танқид қилди.

Хўп, сизга савол: ҳозирги кунда ажралишлар борми? Бор. Бечора аёл иккита ёки учта боласи билан ота уйига қайтиб келса, кўп ҳолларда на ота уйига, на бошқа жойга сиғади. Куёвнинг номида ҳеч нарса йўқ. Машина, уй, бошқа мол-мулкнинг



ҳаммаси кимнингдир номида. Бундай ҳолатда Она икки-уч нафар гўдак боласи билан қаёққа боради?

Агар никоҳ шартномаси бўлса, майли, бу ҳужжат билан аёл ҳимоя қилинмаган тақдирда ҳам, болаларнинг мулкка бўлган ҳуқуқи ҳимоя қилинади. Мазкур ишни қонунга киритдик, лекин бу институт сифатида ҳозирча фуқароларимиз онг-тафаккурига сингмади. Бу ҳам жамиятимиздаги катта муаммо. Никоҳ шартномасига эътиборсизлик ёш оилалар ажралишганда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Нима учун бу янги институт жамият аъзолари онгига тўлиқ сингмади? Мажбурий тиббий кўрикдан ўтишни, биласизми, биз нима қиляпмиз? Уни тиббиёт ходимларига «пул ҳалтачаси» қилиб бердик. Ҳозир ҳам аксарият ҳолларда келин-куёвликка номзодлардан битта-иккита текширув олинади, қолгани 10 дақиқада «намуна» бўйича тиббий маълумотномани олиб чиқади. Қайси шифокор қанча сўмга шу ҳужжатни «тўғрилаб бериши»нинг нархи ҳам бор.

Ёшларни турмуш қуриши олдидан тиббий текширувдан ўтказиш соғлом оила, соғлом фарзанд бўлсин, деб яхши ниятда йўлга қўйилган аслида. Турмуши бузилган фуқароларимизнинг орасида менга мурожаат қилганларнинг қанча ва қанақа надоматлари бор? Буларнинг ҳаммасини ҳам айта олмайман, албатта. Тиббий текширув, яъни сохта ҳужжатнинг ўзи никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлган ҳолатларни биламан.

Оила кодекси ёмон тайёрланмаган, уни кўп ўрганганмиз. Лекин нима учун Оила кодекси ижросида камчиликлар кўп? Бизнинг энг катта вазифамиз, оиланинг шу каби амалий муаммоларини ҳал қилишдир.

Дунё мамлакатларининг 200 га яқин Конституциясини ўрганиб чиқдим. Уларнинг 111 тасида «Оила — бу жамиятнинг бирламчи бўғини», «Оналик ва болалик давлат ҳимоясида» каби моддалар бор экан.

Буларнинг ичида юртимиз Конституцияси ҳаммасидан ажралиб туради. Нимага десангиз, Ўзбекистонда оналик ва болаликни, оилани ҳимоя қилиш ҳуқуқи конституциявий асосда кенг ва кафолатли мустаҳкамланган. Оилаларни ҳимоя қилишни фақатгина қонунга юклаб қўймасдан, уни асрашда ҳар биримизнинг ҳуқуқимиз борлигини ҳам билишимиз керак. Чунки, донишмандлар таъбири билан айтганда, оилани мустаҳкамламасдан туриб, давлатда тартиб ўрнатиб бўлмайди. Оила мустаҳкам бўлса, жамиятдаги кўплаб муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шаҳбоз САИДОВ ёзиб олди.

Анжуман

ЭЛЕКТРОН КООПЕРАЦИЯ БИРЖА ПОРТАЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги раҳбарияти, давлат бошқаруви органларининг мутасадди ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар ҳамда галдаги вазифалар хусусида ахборот берилди.

Маҳаллий ва хорижий бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланишида муҳим омил ҳисобланади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда иқтисодиётда талаб юқори бўлган ҳамда келгусида республикамизда ишлаб чиқарилиши тавсия этиладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларнинг янги 99 та тури Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг веб-сайтига тадбиркорлик субъектларига етказиш учун жойлаштирилди.

Шунингдек, вазирлик веб-сайтида ички бозорда талаб юқори бўлган, умумий ҳисобда 673 турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўзлаштирилиши бўйича рўйхат жойлаштирилган.

Ҳозир янги 99 турдаги маҳсулотларни 2019-2020 йилларда ўзлаштириш бўйича ҳудудларда 55 та ташаббускор томонидан лойиҳалар ишлаб чиқилиб, дастлабки тадбирлар бошланган.

Хусусан, Фарғона вилоятида «Реал кабель инвест» масъулияти чекланган жамияти корхонаси негизида лед ёритиш воситалари ишлаб чиқариш лойиҳаси 2019 йилнинг учинчи чорагида амалга оширилади. Сурхондарё вилоятида «Смарт голд инвест АС» МЧЖ томонидан кондитерлик (шоколад) ишлаб чиқариш лойиҳаси жорий йилнинг декабрь ойида ишга туширилади. Шу йилнинг сентябрь ойида Бухоро вилоятида «Артин» МЧЖ корхонаси негизида сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, «Саноат ярмаркаси ва электрон кооперация биржа портали фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу қарор лойиҳаси ҳозир тегишли давлат бошқаруви органлари билан келишиш жараёнида эканлиги ҳақида иштирокчиларга маълумот етказилди.

Унга асосан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида электрон кооперация биржа портали платформаси жорий этилади ҳамда тегишли давлат органлари базаси билан интеграциялашган ҳолда республикамизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари тўғрисидаги ягона база ва тайёр маҳсулот, хомашё, бутловчи буюмлар тўғрисидаги, шунингдек, ўзлаштиришга тавсия қилинадиган маҳсулот турларининг техник параметрлари ҳақида онлайн тарзда тадбиркорларга ахборот етказиш таъминланади.

Энг муҳими, талабгор билан ишлаб чиқарувчи ўртасида, шу жумладан, бюджет ва корпоратив ҳамда стратегик харидорлар буюртмаси доирасида эркин рақобат қилишни ва нарх шаффофлигини таъминлаб, корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси саноат маҳсулотлари бозорининг барча қатламларидаги хўжалик юритувчи субъектларни мақсадли жалб қилиш орқали мунтазам равишда саноат ярмаркалари ташкил этишни замонавий чет эл кўргазма мажмуалари тажрибасини ўрганган ҳолда амалга оширилиши режалаштирилганлиги маълум қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎзА мухбири.

Тест синовлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида

1 минг 155 дан ортиқ видеокузатув камераси, 120 дона мобиль алоқаларини тўсувчи қурилма ҳамда бармоқ изи асосида ҳақиқий абитуриентни таниш воситалари тайёрланмоқда

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутасаддилари 2019/2020 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул бўйича ўтказиладиган тест синовларига тайёргарлик кўриш жараёни ҳақида журналистларга маълумот берди.

Тадбирда бу йилги тест топшириқларини шакллантириш учун умумтаълим фанлари бўйича 140 нафардан ортиқ эксперт гуруҳлари тузилгани ҳамда жорий йилдаги қабул тест синовлари учун 180 мингдан ортиқ тест топшириқларини шакллантириш режалаштирилаётгани, ушбу топшириқлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида бир хиллиги таъминланиши айтиб ўтилди.

— Жорий йилда намунавий тест топшириқлари 1500 дан ортиқ абитуриент иштирокида синовдан ўтказилди, ишончлилиги, мураккаблик даражасининг тўғри танланганлиги ўрганилди ҳамда 74 мингдан ортиқ тест топшириғи статистик таҳлил қилинди, — дейди **Давлат тест маркази директори ўринбосари Қаҳрамон Ҳақбердиев.** — Шу билан бирга тест топшириқларининг хато-камчиликлари тузатилди ва айримларига ўзгартиришлар киритилди. Бундан ташқари, бу йилги тест топшириқлари базасини шакллантиришда Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония каби мамлакатлар тажрибалари ўрганилиб, жорий йилдан янгилик киритилди. Жумладан, тест топшириқларида график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилмоқда. Қолаверса, янгилик сифатида яна шуни айтиш мумкинки, фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш мақсадида кейинги ўқув йилидан бошлаб Давлат тест марказида мавжуд тест топшириқлари базасини жамоатчилик учун очиб қўйиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда тест синовларини ўтказиш учун мамлакат бўйича 69 бино танланган. Уларнинг энг каттаси 1710, энг кичиги 240 ўринлидир. Бу биноларда бир кунда 2 сменада 1 минг 277 та гуруҳда, жами 38 минг 310 абитуриент тест топшириши мўлжалланган. Тест синовларининг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида бир кунда 2 минг 554 нафар назоратчи жалб этилиши белгиланган.

– Бу йил абитуриентлардан олинган бармоқ изи орқали тест синовларига бошқа абитуриентларнинг кириши каби қонун бузилишларга

барҳам берилади, — дейди Давлат тест маркази бош бошқармаси бошлиғи Барно Ражабов. — Натижада ўз билимига ишониб имтиҳон топшираётган ёшларнинг имконияти янада кенгаяди. Тест синовларини янада шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда бинолар учун 1 минг 155 тадан ортиқ видеокузатув камераси, 120 дона мобиль алоқаларини тўсувчи қурилма, бармоқ изи асосида ҳақиқий абитуриентни таниш воситалари тайёрланмоқда.

Шунингдек, Давлат хизматлари агентлигининг марказлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза маълумотлар базаси билан маълумот алмашиш учун идоралараро маълумотлар алмашиш тармоғи (МСПД)га уланилган. Қолаверса, имтиёзга эга абитуриентлар маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида имтиёзли ҳужжат тақдим этувчи ташкилотлар имтиёзга эга абитуриентлар маълумотларини онлайн киритишлари учун махсус дастур ишлаб чиқилган.

Тадбирда мутахассислар томонидан абитуриент ўзининг доимий ёки вақтинча рўйхатда турган жойидан қатъи назар, исталган олий таълим муассасаларида ташкил этилган қабул комиссияларига (Давлат комиссияси томонидан белгиланган Олий таълим муассасалари учун Давлат хизматлари марказларига) мурожаат қилишлари мумкинлиги ҳамда абитуриентлар рўйхатдан ўтганда яшаб турган, вақтинча рўйхатдан ўтган ёки ўша пайтда бўлиб турадиган ҳудудда тест синовларида иштирок этиши мумкинлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Матбуот анжумани якунида журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бугунги кунда 111 истиқболли коннинг атиги 14 тасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 39 миллион долларлик 6 лойиҳа амалга оширилмоқда.

ГЕОЛОГИЯ ФАНИ ЮТУҚЛАРИ – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Афзал МИРАБДУЛЛАЕВ, Геология ва геофизика институтининг умумий масалалар бўйича директор ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 1 июль куни геология соҳасини янада ривожлантириш, геологик қидирув ва қазиб олишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказган эди. Унда мамлакатимизда саноатлаштириш мумкин бўлган 73 турдаги фойдали қазилма захирасига эга 2 мингдан зиёд кон борлиги, шундан 437 таси ўзлаштирилмаганлиги қайд этиб ўтилди. Янги истиқболли конларни ўрганиш етарли даражада эмас. Қидирув ишларига жалб қилинаётган техникаларнинг 70 фоизи эскирган. Соҳага инвестициялар жалб қилиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш ишлари суст. Бугунги кунда 111 истиқболли коннинг атиги 14 тасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 39 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Хўш, бу борада Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Ҳабиб Абдуллаев номли Геология ва геофизика институти томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Институтнинг умумий масалалар бўйича директор ўринбосари Афзал Мирабдуллаев билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.

— Афзал Ҳамдамович, Геология ва геофизика институти олимлари соҳа фаолиятини янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича қандай лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда?

— Ҳозирги кунда Геология ва геофизика институтида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 6 та геологик қидирув ишлари, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 3 та амалий ва 4 та фундаментал лойиҳаси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Институт илмий ишлари лойиҳалари маблағ кириб келиши бўйича 3 турга бўлинади (грантлар, минерал хомашё базасини ривожлантириш ва кўпайтириш давлат дастурлари ва хўжалик шартномалари орқали):

биринчи босқич — бу фундаментал лойиҳалар бўлиб, бугунги кунда институтимизда 4 та шундай лойиҳа юзасидан иш олиб борилмоқда;

иккинчи босқич — амалий лойиҳалар, ушбу лойиҳалар фундаментал лойиҳалардан олинган илмий натижаларни тажрибада қўллашнинг методик масалаларига қаратилган бўлиб, ҳозирги кунда институтимизда 3 та ана шундай лойиҳа амалга оширилмоқда;

учинчи босқич — инновацион лойиҳалар бўлиб, бу бўйича ҳам бир қатор ишлар режалаштирилмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастуридаги 6 та лойиҳанинг ҳаммаси қаттиқ фойдали қазилмаларни ҳосил қилиш ва жойлашиш қонуниятини ўрганиш асосида янги истиқболли майдонлар ажратишга, янги йўналишлар барпо қилишга, шу жумладан, 2 та лойиҳа Ўзбекистондаги долзарб масала — ноёб ва тарқоқ металлар минерал-хомашё базасини яратишга қаратилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳозирги кунгача Ўзбекистонда бундай металлар базаси, яъни олтин, мис, уран каби фойдали қазилмалар базаси ҳали ривожланмаган. Лекин дунё бозорида айнан шундай металларга эҳтиёж катта ва уларнинг нархи қиммат ҳисобланади. Чунки улардан асосан космонавтика, ядро энергетикаси ва саноатнинг бошқа замонавий йўналишларида фойдаланилади. Нима учун Ўзбекистонда бундай металлар ҳали қазиб олинмаяпти? Олимларимиз ана шу бўйича иш олиб боришмоқда.

Яна бир масала. Республикамизда қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тош конлари анчагина. Лекин

уларнинг софлиги, тозалиги, дунё стандартларига жавоб беришини аниқлайдиган хизмат лабораторияси йўқ. Бу, ўз навбатида, заргарлик саноатига хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилишда тўсиқ бўлаяпти. Биз бу масаланинг долзарблигини, иқтисодиётимизга фойда келтиришини ҳисобга олиб, янги лойиҳага қўл урдик.

— Институтимизда фаолият кўрсатаётган 87 нафар ходимнинг 52 нафари илмий ходим, 10 нафари талаба бўлиб, улар ўриндошлик асосида иш юритишади. Ходимларимизнинг 6 нафари фан доктори, 16 нафари эса фан номзоди илмий даражасига эга.

Институтда илмий ходимларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бу йўналиш бакалавр ва магистрларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, докторантура, мустақил тадқиқотчилик ва хориждаги малака ошириш курслари ҳамда стажировка ўташ орқали амалга оширилмоқда.

Жорий йилда институтимиз докторантурасида 6 нафар ходим ўқиди. Кичик илмий ходим Г.Ҳабибуллаева Минералогия ва кристаллография мутахассислиги бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзбекистон Миллий университети, геология ва геоинформацион тизимлар факультети билан биргаликда 2018-2030 йилларга мўлжалланган ер ҳақидаги фанларнинг устувор йўналишларида олиб борилаётган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, фан ва таълим интеграцияси бўйича ҳамкорлик битими, шунингдек, 2019 йилда Геология ва геофизика институти қошида Тошкент давлат техника университети, геология ва кончилик иши факультети, фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари кафедрасининг филиали фаолияти давом эттириш тўғрисида янги битим имзоланди.

Мазкур ҳамкорлик доирасида институтимизда талабалар учун назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинмоқда, институтимиз лабораторияларида ЎзМУ ва ТДТУнинг 14 нафар магистри ва 7 нафар бакалаври ўриндошлик асосида фаолият олиб боришмоқда.

— Илм-фан ютуқлари ишлаб чиқаришга, деган шиор бугун ҳаётий масалага айланган. Шундан келиб чиқиб, институт олимлари яратаётган ишланмалар ишлаб чиқаришга қай даражада жорий қилинмоқда?

— Ангрен ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциялари кўпшлакли чиқиндиларида темирнинг саноатбоп миқдори аниқланди ва таркибида қотишма сифатини оширувчи ўтга чидамли ва легирловчи металлар (6 фоиз), темирнинг миқдори юқори бўлган (94 фоиз) қотишмаларнинг экспериментал намуналари олинди. Олинган натижалар ИЭС кўпшлакли чиқиндиларини экологик ва иқтисодий самарали утилизация қилиш ва республика минерал-хомашё базасини кенгайтириш имконини беради.

— Институтнинг илмий салоҳияти, халқаро алоқалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Хитойлик ҳамкорлар билан Ғарбий Тянь-Шань геологияси ва металлогениясини ўрганиш бўйича Ўзбекистон — Хитой халқаро илмий марказини очиш юзасидан меморандум имзоланган. Ушбу ҳужжат доирасида институтимиз олимлари ва Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг геолог олимлари Тянь-Шаннинг Хитой ва Ўзбекистон қисмини ўрганиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда, маъдан конларида дала тадқиқотлари ўтказилмоқда. Шу йилнинг ўзида Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг геология соҳасидаги институтлари билан 2 та меморандум имзоладик.

— JORC кодекси талаблари нима?

— Бундай кодекслар битта эмас. JORC кодекси деганда, очилган коннинг фақат захираси тўғри ҳисобланганини эмас, бошқа омилларга ҳам катта эътибор қаратилади. Тадбиркор ёки инвестор оладиган фойда қандай бўлади, қандай хатарлар бўлиши мумкин, фойдали қазилмани ажратиб олиш технологияси мукаммалми ёки йўқми, инфратузилма қандай ва ҳоказо.

Бир сўз билан айтганда, JORC кодекси банклар томонидан маблағ ажратиш учун эксперт томонидан ёзилган, далилий исботланган ҳисобот. У бизнинг техник иқтисодий асослаш (ТЭО) ёки йириклаштирилган техник иқтисодий асослаш (УТЭР) кабидир. Бу кодекснинг разведка техникаси ва технологияси, намуна олиш, керн намунаси чиқиши бўйича ва бошқа кўп талаби бор. Масалан, керн чиқиши 95 фоизни ташкил қилиши лозим.

Ҳозирги кунда институтимиз директори геология-минералогия фанлари номзоди Рустам Долимов раҳбарлигида геологик қидирув ва қазиб олиш масалаларида инновацион ва замонавий технологияларни ўзлаштириш, бу борада хориж тажрибасини ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Бу режага биноан геология соҳасида ривожланган мамлакатларнинг етакчи илмий ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилади, уларнинг тажрибаси ўрганилади. Ҳозир АҚШнинг геология хизмати билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, унинг доирасида ёш геолог мутахассислар учун фойдали қазилма конларини қидириш ва баҳолашнинг юксак технологиялари бўйича тренинглар ўтказилмоқда.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

> **Ҳозирги кунгача Ўзбекистонда олтин, мис, уран каби фойдали қазилмалар базаси ривожланмаган. Лекин дунё бозорида айнан шундай металларга эҳтиёж катта ва уларнинг нархи қиммат. Чунки улардан асосан космонавтика, ядро энергетикаси ва саноатнинг бошқа замонавий йўналишларида фойдаланилади. Нима учун Ўзбекистонда бундай металлар ҳали қазиб олинмаяпти? Олимларимиз шунинг устида иш олиб боришмоқда.**

БИЛАСИЗМИ?

Ер участкалари

0,04 гектаргача аукционсиз ариза асосида берилади



— ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларига;

— давлат ва хусусий уй-жой фондидаги ўзлари эгаллаб турган уй-жойни туман ҳокимликларига ўтказаётган фуқаролар ва мулкдорларга.

Ер участкасини бериш бўйича имтиёзлар **бир оилага бир марта (мулкдорнинг номига)** берилади ва оиланинг бошқа аъзоларига татбиқ этилмайди.

Бунинг учун туман (шаҳар) ҳокимлигига **ариза** берилиши керак.

— Аризага қуйидагилар илова қилинади:

— доимий яшаш жойи бўйича уй-жой кадастр ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

— юқорида кўрсатиб ўтилган фуқаролар тоифаларининг бирортасига мансубликни тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза махсус комиссия томонидан **ўн кунда** кўриб чиқилади.

Комиссия ижобий хулоса чиқарса, ҳоким ер участкаси бериш ҳақида **бир кунда** қарор қабул қилади ҳамда **уч кунда** ер участкаси чегаралари ўлчаб берилади.

Агар фуқаронинг ерни аукционсиз олишга ҳаққи бўлиб, ер участкаларини бериш имкони бўлмаган ҳолатларда, **у электрон навбатга киритилади.** Навбатни интернет орқали кузатиб бориш мумкин.

Навбат тартибида ер участкаларини олишга эҳтиёжманд фуқаролар рўйхати туман (шаҳар) ҳокими томонидан **ҳар олти ойда камида бир марта** тасдиқланади.

Бунда фуқаролар тасдиқланган рўйхатга киритилгани ҳақида, ер участкаси берилишининг мўлжалдаги муддатини кўрсатган ҳолда хабардор қилинади.

Видеорегистраторлар

далил йиғувчига айланади

Автотранспортдаги видеорегистраторларда қайд этилган ҳуқуқбузарлик эндиликда далил сифатида қабул қилинади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

1 июлдан ҳар қандай жамоат транспорти ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун автотранспорт воситаларига видеорегистраторлар ўрнатиш **мажбурийдир.**

Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар **энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи** (ҳозирги кунда 10 136 сўм) **миқдоридаги пул мукофоти** билан рағбатлантирилади.

Таълим соҳасида

ногиронлиги бўлган шахслар учун бериладиган айрим имтиёзлар

Тест синовлари бўладиган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини туғатган ногирон абитуриентлардан тест синовларида иштирок этиш учун **тўлов** ундирилмайди.

Ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришда ногирон бўлиб қолган Қуролли Кучларнинг контракт бўйича ҳарбий хизматчилари фарзандларига **олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун** тавсияномалар **берилади.**

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар олий таълим муассасаларига қўшимча **икки фоизли давлат гранти асосида** қабул қилинади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг **болалари боғчаларга жойлаштирилишда** имтиёзли рўйхатга киритилади.

— Ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам биринчи I ва ёки II гуруҳ ногирони бўлган оилалар, ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар иқтидорли фарзандлари **қуйидагилар билан** таъминланади:

— замонавий ягона мактаб формаси;

— асосий турдаги ўқув қуроллари;

— бадиий китоблар;

— болалар газета ва журналларига обуна қилиш;

— республика оромгоҳларида дам олишини ташкил этиш;

— республика бўйлаб саёҳатга бориш ва келиш харажатларини қоплаш.

Давлат грантлари бўйича таълим олган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаларидан академик таътил олганида ўқишга **давлат грантлари асосида қайта тикланиши мумкин.**

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

АНЖУМАН

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар, аҳолидан келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш ва уларга ечим топиш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИГА

23 мингдан ортиқ суғурта полиси сотилган

— Ҳаракатлар Стратегияси доирасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди **«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Алишер Юсупов.** — Хусусан, жамиятимиз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича бир қатор ишлар бажарилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 5 мартдаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида янги суғурта маҳсулотлари жорий этилди ва ҳозирги кунга қадар 23 мингдан ортиқ суғурта полиси сотилди. Бугунги кунда жамият томонидан Россия Федерациясининг «Русский стандарт страхования» суғурта компанияси билан янги «Патент+» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ижросини таъминлаш мақсадида аҳолига ажратилаётган кредитларни имтиёзли, қулай суғурта тарифлари асосида суғурталаш ишлари амалга оширилиши натижасида 6020 суғурта шартномаси имзоланди ва 108,3 миллиард сўм суғурта мажбуриятлари олинди.

— Суғурта турларининг афзалликлари бўйича аҳолини кенгроқ хабардор қилиб бориш бугуни куннинг асосий вазифаларидан биридир, — дейди **«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Бекзод Аҳадов.** — Шунинг учун республикамизнинг барча ҳудудларида семинарлар, очиқ мулоқотлар ташкил этиб келинмоқда. Хусусан, бу каби мулоқотлар орқали ёзма, оғзаки ва виртуал қабулхоналардан жамият бошқарувига ўтган ва жорий йилнинг 6 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами 600 га яқин мурожаат келиб тушган. Бевосита жамият фаолиятига тегишли бўлган мурожаатларни ўз вақтида ва белгиланган тартибда қабул қилиш, кўриб чиқилишини таъминлаш бўйича назорат бўлими ва барча вилоят филиалларида масъул ходимлар фаолият олиб бормоқда.

Ўтган йили республика бўйича 6 минг 473 фермер хўжалигига 44,3 миллиард сўм миқдоридаги суғурта қопламалари тўлаб берилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида жамият тизимида мурожаатларни камайтириш ҳамда жойида ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш, келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлашни янада такомиллаштириш, аҳолининг талаб ва истакларини ўрганиш масалалари доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Нега Ўзбекистон фуқаросининг исталган вилоятдан уй сотиб олиш ҳуқуқи поймол этилмоқда?

Уйи ва пулига куйган одам

Ўз мулкидан ажралиб қолган битта эмас, иккита эмас... Уларни ким ҳимоя қилади?

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Сурхондарёлик Абдузоир Қодиров турмуш ўртоғи билан Россия Федерацияда ишлаб, топган пулига Тошкентдаги кўп қаватли уйдан квартира сотиб олмоқчи бўлади. Аммо прописка бўлмаса, Тошкентдан уй олиб бўлмайди. Хўш, нима қилиш керак?



Ўзаро маслаҳатдан кейин турмуш ўртоғининг Тошкентда яшовчи укаси, яъни қайинукаси Ғайрат Маҳмудовнинг номига уй оладиган бўлишди.

— Ғайрат бегона эмас, ўзимизники, — деди Абдузоир ака оила аъзоларига, — Онангнинг туғишган укаси. Сенларга эса тоға бўлади.

Хуллас, 2005 йил август ойида Тошкент шаҳар С.Раҳимов (ҳозирги Олмазор) тумани Қорақамиш массиви 2/5,16-уй, 68-хонадонни Елена Каличкодан 4300 АҚШ долларига сотиб олишга келишишади. Буёғини энди етмиш ёшли отахон Абдузоир Қодиров айта қолсин.

— Турмуш ўртоғимнинг укаси Ғайрат Маҳмудовнинг номига уйни расмийлаштириб, кейинчалик менинг ўғлим Зокиржон номига ўтказиб бериш шарти билан нотариусга боришган. Ўғлим уй олди-сотди шартномаси бўлаётган вақтда 4300 АҚШ долларини ўз қўли билан Елена Каличкога берган. Айни вақтда Елена Каличко уй учун ўғлимдан 4300 АҚШ доллари олганлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб берган. Уй қайинукам Ғайрат Маҳмудов номига расмийлаштирилган. Уй олди-сотди бўлаётганида Елена Каличко ўғлимга:

— Ҳозир сизлар қариндошингиз номига уй олаяпсизлар. Эртага муаммо бўлмайдими? — деган.

— Ҳеч қандай муаммо бўлмайди, — деган Ғайрат.

Биз унинг гапига ишондик. Ўзбекчилик, инсонгарчилик бор-ку, дедик. Қолаверса, уйнинг ҳужжатлари ўғлимнинг қўлида эди.

Ишонувчанлигимиз бир куни келиб бошимизга бало бўлишини хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Ана-мана дегунча ойлар, йиллар ўтди. 2010 йили қайинукам Ғайрат Маҳмудов жиноят содир этиб, қамалди. Уёқдан чиққач, ҳунарини кўрсата бошлади. Ғайрат ўғлимдан таъмагирлик қилиб, тез-тез 100-200 минг сўм пул сўраш йўлига ўтди. 2015 йил декабрь ойида тоға-жиян ижара шартномасини тузади. Уйни «Ижарага берувчи» мақомини олган Ғайрат бизга фириб бераётганини дастлаб сезмадик. У уйнинг ҳужжатлари йўқолганлиги ҳақида газетага эълон ҳам берибди. Кадастр хизматидагиларни лақиллатиб, дубликат ҳужжат олибди. Аслида уй ҳужжатлари йўқолмаган, ўғлимда эди. Ғайратнинг мақсади ўғлим ва келиним яшаётган уйни сохта эълон билан қўлга киритилган кадастр ҳужжати билан сотиш экан.

Ғайрат очиқдан-очиқ ўғлим ва келинимга «уйдан чиқинглар, уйни сотаман», деди. Вазиятнинг бундай кескин тус олишини кутмаган ўғлим профилактика инспекторига шикоят билан чиқади.

— Уй бизники. Бирор чорасини кўринг, — дейди Зокиржон Қодиров профилактика инспекторига.

Маҳалла раиси ва профилактика инспектори Ғайрат Маҳмудовни чақириб, суҳбатлашади.

— 5000 АҚШ доллари берсин, кейин тинч қўяман, — дейди Ғайрат уларга.

Абдузоир Қодиров масаланинг чигаллашиб бораётганлигини билгач, Сурхондарёдан Тошкентга келади.

— Ғайрат сенга нима бўлди? Ахир уйни сенинг номинга сотиб олаётган пайтдаги гапинг эсингдан чиқдими? — дейди Абдузоир ака. — Сен қамалган пайтингда ота-онангга пул бердим. Қўлимдан келганича ёрдам қилдим. Сендан берган пулларимни сўрагани келганим йўқ. Инсоф қил. Уй меники бўлса...

Отахоннинг гапи оғзида қолди. Ғайрат унинг ўғли ва келинига айтган гапни такрорлайди:

— 5000 АҚШ доллари берасиз. Ёки уйни бўшатиб, чиқиб кетинглар.

Нима қилиш керак? Қаерга борса арзини эшитади? Қайинукасининг ноқонуний талабини кимга айтади? Эртаси куни Абдузоир ака Қорақамишдаги «Шодиёна» маҳалла раисининг олдига бориб, бор гапни айтади.

— Майли, қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, 2,5-3 минг доллар берайин. Ғайратни инсофга чақиринг. Ахир, пешона тери эвазига шу уйни олганмиз-ку.

Ғайрат эски гапида туриб олди:

— 5000 «кўкидан» беришсин. Кейин уй билан ишим бўлмайди.

Абдузоир ака ортга қайтиб, Сариосиёга боради. Ғайратнинг оғайниларини йиғади.

Ғайрат Маҳмудовнинг ака-укалари Абдузоир акани юпатишади.

— Ҳаммасини биламиз. Ғайратнинг ўзи бизга «поччам билан опам Россиядан ишлаб топган пулига Тошкентда ўғлининг номига уй олди», деб айтганди, — дейишди ака-укалар. — Ғайратнинг уйга эгалик қилишга ва сотишга ҳаққи йўқ. Уйнинг пулини сиз берганлигингизни биз биламиз-ку.

Абдузоир ака яна Тошкентга йўл олади. Олмазор тумани ИИБ бошлиғи номига ёзма мурожаат қилади. ИИБдагилар фуқаролик судига мурожаат қилишни маслаҳат беришади.

Судлашиш бошланади. Абдузоир Қодиров даъвогар сифатида жавобгар Ғайрат Маҳмудов ва Тошкент шаҳар нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга мурожаат қилади. 2018 йил 12 апрелда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро суди Олий суд пленумининг «Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорига таянди. Ушбу қарорга асосан олди-сотди шартномаси фақат унинг иштирокчилари ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис, мазкур шартноманинг ҳақиқийлиги бўйича шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар. Суд ана шу қарорга асосланиб, Абдузоир Қодировнинг даъво аризасини рад этди. Абдузоир Қодиров суддан хафа бўлиб чиқди.

Ғайрат Маҳмудов анойилардан эмас экан. 2018 йил 16 ноябрда ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро суди даъвогар Ғайрат Маҳмудовнинг жавобгар Зокиржон Абдузоировга нисбатан ижара шартномаси ва унга қўшимча келишувни бекор қилиш, ижара ҳақини ундириш, турар-жойдан мажбурий кўчириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантирди. Шунингдек, жавобгар Зокиржон Абдузоировдан даъвогар Ғайрат Маҳмудов фойдасига 5.320.000 сўм миқдорида ижара пули ундириладиган бўлди.

Ана мот, мана мот!!!

Қўлимизда 2019 йил 14 февралда «Шодиёна» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва котиби тасдиқлаган далолатнома бор. Ундай шундай сўзлар ёзилган: «Ҳақиқатан ҳам, Қорақамиш 2\5,16-уй, 68-хонадонда Абдузоировлар оиласи 2005 йилдан то шу кунгача яшаб келади... Ушбу оила уйнинг барча коммунал тўловларини тўлаб яшаб келмоқдалар... Маҳмудов Ғайрат Самандарович ушбу хонадонда умуман яшамаган ва коммунал тўловларни умуман тўламаган».

— Судда, — дейди Абдузоир Қодиров фиғони чиқиб, — Ғайрат уй учун пулни мен берганман, деб ёлғон гапирди. Ахир бу инсофдан-ми? Туҳматга қолдик. Уй учун пулни мен берганман-ку. Елена Каличко тилхатида ҳам, судда ҳам пулни ўғлимнинг қўлидан олганлигини қайта-қайта таъкидлаяпти. Лекин суд инобатга олмади...

Бу масала қандай якун топиши ҳозирча номаълум. Абдузоир Қодиров кураша-кураша бир кун мақсадига етар...

Бизни масаланинг бошқа томони кўпроқ қизиқтиради. Вилоятларда яшовчи ҳамюртларимиз орасида Тошкентда пропискаси бор яқин қариндоши ёки дўсти номига уй олиб, кейин муаммога дуч келаётганлар оз эмас.

Биринчидан, уйни кимнинг номига расмийлаштириш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш керак. Юристлар билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келинса, адашмайсиз.

Яна бир савол кишини ўйлантиради. Нега Ўзбекистон фуқаросининг исталган вилоятдан уй сотиб олиш ҳуқуқи поймол этилмоқда? Майли, доимий рўйхатдан (пропискадан) ўтказилмасин. Аммо мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи бўлиши керак эмасми?..

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕДАЛСИЗ КЕТГАН МОМО...

Балки ҳар йили катта байрамимиз арафасида 100 ёшга етган ва бу ёшдан ошганларнинг барчасини тақдирлашни йўлга қўйиш керакдир?

МУЛОҲАЗА

...Ўн йилча муқаддам Мустақиллик байрами арафасида туманимизнинг Найман қишлоғида яшаётган бир онахонга Президент фармони билан «Шуҳрат» медали берилди. Яъни бир аср умр кўргани учун. Муҳарриримиз шу онахон ҳақида мақола ёзиш топшириғини берди.

Шу қишлоқлик ҳамкасбимиз Холмурод Қурбон ҳамроҳлигида онахон истиқомат қилаётган хонадонга кириб бордик. Одатда ёши улуғ қария яшаётган хонадонга бетакаллуф кирилмайди. Ҳарқалай, юз ёшли инсон...

Ўн яшар болакайдан момоси ҳақида сўраймиз. У бизларни дастурхонга таклиф қилгач, «Ҳозир чақириб келаман!» деб югургилаб кетади. Демак... шу ёшда ҳам нимадир юмушлар билан куйманиб юрган момони кутамиз.

Ниҳоят бармоқлари учлари негадир кўкаринқираган момо кириб келди ва биз билан сўрашди. Ҳурматларига ўрнимиздан турамиз.

«Томорқадаги кечки сабзини ўт босибди, шуни тозалаб юргандим», — дейди момо ва сўнгра ҳамроҳимга юзланиб: «Холмуродмисан? Бечора онанг ҳам ўтиб кетди. Тенгқур эдик, мактабда бирга ўқигандик», деб дугонасини эслаб, кўзларига ёш олади. Холмурод дўстимизнинг онаси шу йили қишда ўтганди. Ерлар бир қарич қор. Жаноза айнан қор устида ўқилган. Момони саксон икки деб тобутини кўтаришган... Қизиқ, дўстимнинг онаси ўтган йили 82 ёшида вафот этган бўлса... момо уни тенгқур эдик, деяпти...

Қишлоқдан қайтаётиб, туман ҳокимлигига кираман. Кўп йиллардан буён шу тизимда ишловчи, қўшни қишлоқлик танишим билан гурунглашаман. Юз ёшга кирган, деб давлат мукофоти олган момо энди саксондан ошгани, буни ўз сўзи билан айтиб ўтиргани, унинг ҳужжатлари қандай қилиб давлат мукофотига тақдим қилингани ҳақида суҳбатлашамиз. Танишим айтади: «Туманда яшаётган юз ёшдан ошган қариялар ҳақида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари маълумот тақдим қилишади. Бизлар уни тегишли жойга жўнатамиз, кейин маъқул кўрилган бирисига мукофот берилади».

Саккиз йил олдин дарё ортидаги туманга йўлимиз тушди. Мустақиллик байрами нишонланаётган кезлар эди. Танишимиз бўлмиш туман ҳокимини байрам билан табриклаш ниятида қабулига кирдик, саломлашдик. Туманда яшаётган бир юз олти ёшли момога медаль беришган, ҳоким қарияни табриклаб, совға топшириш учун кетаётган экан. «Беш йилдан буён тавсия қилардик, ниҳоят медаль беришди», — деди у.

Қўшни қишлоқлик Қурвоной момо тоғамизнинг қайнонаси эди. Тоғам ўттиз йилча олдин етмиш ёшида оламдан ўтган. Қурвоной момонинг катта ўғли онамга тенгқур эди. Онам саккиз йил олдин саксон бешида ҳаётдан кўз юмди. Момонинг катта қизи Раҳима момо ҳам бу дунёда саксон йил яшаб, йигирма йилча олдин оламдан ўтди.

Қиёсий рақамларни нега келтиряпман? Қурвоной момонинг туғилиш гувоҳномасида туғилган вақти қачон деб ёзилганини билмайман. Аммо беш йилча олдин дунёдан ўтганида, уни қишлоқнинг энг кекса кишиси сифатида, яъни бир юз олти ёшда, деб ҳурмат билан, тобутига елка теккизиш талаш бўлиб, сўнгги йўлга кузатганмиз.

Беш йилча олдин қишлоғимизнинг энг кексаси бўлмиш бир юз тўрт яшар момони ҳам шу зайлда иззат билан сўнгги манзилга кузатганмиз. Момонинг набираси айтиб берган бир гап хотирамга михланиб қолган. Телевизорда қариялиги учун давлат мукофоти олган бир кампирнинг миннатдорлик сўзларини эшитиб ўтирган момо невараларига: «Булар мени ёдидан кўтариб юборибмиканлар? Нега менга медаль беришмади?», деган экан.

Истиқлол йилларида турли соҳа ходимларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш тизимли йўлга қўйилди. Мустақиллик байрами арафасида бу борада Президент фармони эълон қилинади. Меҳнатга яраша рағбат яхши-да! Айни пайтда юз ёшдан ошган кексаларни «Шуҳрат» медали билан тақдирлаш ҳам истиқлол замонасида анъанага айланди. Юрт учун меҳнати сингган, фарзанд тарбиялаб, юрт корига яратган, бахтли кексалик гаштини сураётган нуроний инсонларнинг давлат мукофотлари билан тақдирланиши қандай яхши. Уларнинг юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз фаровонлигини тилаб қилаётган дуоларининг ўзи катта давлат.

Аммо шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Ҳар йили ҳар вилоятдан фақат бир нафар шу ёшга етган кексага давлат мукофоти берилиши масаласи. Қолганларчи? Кекса ёшдаги инсонлар кўнгли бўш бўлади, ҳатто болафеъл ҳам бўлиб қолишади. Ойнаи жаҳонда қайсидир тенгқури ва ҳатто ўзидан ёшроқ бирор замондошига медаль берилганини эшитганда, ўзи нега бу рўйхатдан четда қолганини ўйлаб кўнгли чўкишини кўз олдингизга келтиринг.

Ҳокимлик тизимида ишлаётган танишимиз юз ёшдан ошганларни медаль билан мукофотлаш жараёнини беҳудага лотереяга ўхшатмади. Тавсия қилинганлар вилоят бўйича ўн нафар ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Тинчлик ва фаровонлик туфайли миллатимизнинг умри узайиб бораётгани шу борада таҳлиллар ўтказувчи халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаяптику! Ана шу ўн нафардан фақат бирисига мукофот берилишини ким ва қайси ташкилот ҳал қилади? Бунда нималарга асосланади? Иш стажими, жамиятга теккан фойдасими? Ўн нафар номзоддан фақат бирисининг танлаб олиниши эса оғриқли жараён. Шу иш зиммасига ёзилганларга ҳам осон эмас. Қолиб кетаётган номзодга келгуси йили олар, деб умид билдиришар. Лекин юз уч яшар қария яна бир йил яшайди ва келгуси сафар мукофот олади, деб ким кафолат беради? Умуман, ҳар вилоятдан фақат бир нафар юз ёшдан ошган табаррук онахон ёки отахонга давлат мукофоти берилиши адолатлими? Бу билан ижтимоий адолат бузилишига йўл қўймаяпмизми?

Балки ҳар йили катта байрамимиз арафасида ана шу табаррук ёшга етганларнинг барчасини тақдирлашни йўлга қўйиш керакдир? Билмадик. Билганимиз шуки, нафақат қишлоғида, балки туманда энг ёши улуғ Қурвоной момо медаль ололмай кетгани аниқ.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Автомашиналарни арзон нархда олиб бераман»

Жорий йилнинг 26 июнь куни Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган 35 ёшли С.Қ.ДХХ вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилган. Унда таниши, Гулшан кўчасида яшовчи, муқаддам судланган 44 ёшли Ғ.Э. ўзининг танишларига С.Қ.ни ДХХ вилоят бошқармасида ишлашини, у орқали мусодара қилинган машиналарни арзон нархда олиб беришини айтиб, алдов йўли билан улардан пул олиб юрганлигини маълум қилган.

Ҳолат юзасидан ўтказилган текширув ҳаракатлари жараёнида хақиқатан ҳам, Ғ.Э. танишларига С.Қ.ни ДХХ ходими сифатида таништириб, улардан жами 240 миллион сўм пул олганлиги аниқланган. Ғ.Э. қўлга олинган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қайинсинглисини пичоқлади

2019 йил 29 июнь куни соат кечга яқин Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани Обод МФЙда яшовчи 38 ёшли Р.Ж. уйида ўзаро жанжал туфайли вақтинча бирга яшовчи қайинсинглиси, муқаддам судланган 30 ёшли Р.Ш.ни пичоқ билан жароҳатлаган. Натижада Р.Ш. касалхонага ётқизилиб, Р.Ж. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Умрига зомин бўлди

2019 йил 5 июль куни Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида яшовчи 41 ёшли Р.Х. маст ҳолда Ойбек маҳалласида яшаган 34 ёшли О.О.га пичоқ билан жароҳат етказган.

Натижада О.О. касалхонага ётқизилган ва кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай шу ерда вафот этган. Р.Х. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Савдога пул тикиб...

2019 йил 5 июнь куни Навоий шаҳри Ибн Сино кўчасида яшовчи 30 ёшли С.Д. ИИБга мурожаат қилиб, 2017 йил август ойидан 2019 йил апрель ойигача бўлган вақт оралиғида Андижон тумани Хартум ҚФЙда яшовчи 34 ёшли А.Ю. фирибгарлик йўли билан ундан 248 835000 сўм пул олганлигини ва пулни ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганлигини маълум қилган. А.Ю. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Рашк сабаб...

Жорий йилнинг 3 июль куни Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида яшовчи 51 ёшли Э.Ғ. «Фреш» савдо дўкони олдида рашк сабабли 48 ёшли рафиқаси О.О.га пичоқ билан жароҳат етказган.

Натижада О.О. касалхонага ётқизилган. Э.Ғ. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТЎРАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

Бу йилги «Олимпия куни» спорт тадбирлари мамлакатимизнинг қарийб 300 минг аҳолисини қамраб олди.

УНИВЕРСИАДА – 2019

Хабарингиз бор, Италиянинг Неаполь шаҳрида Бутунжаҳон талабалари ўртасида ёзги Универсиада ўйинлари ўтказилмоқда. Унда иштирок этаётган спортчиларимиз мусобақанинг учинчи кунига келиб тўртта медалга сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақанинг дастлабки кунида дзюдочимиз Муҳаммадкарим Хуррамов (+90 кг.) шоҳсупага кўтарилган ҳолда терма жамоамизга биринчи медалини тақдим этганди. Кейинги медаль яна бир дзюдочимиз Ҳикматуллоҳ Тўраев (-73 кг.) томонидан қўлга киритилди. Кечаги баҳсларда эса бир эмас, икки вакилимиз ҳам кучли учликдан жой олган ҳолда терма жамоамизнинг бронза медаллари сонини тўрттага етказди.

52 кг. вазн тоифасида баҳс олиб борган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, катталар ўртасида Осиё чемпиони Диёра Келдиёрова бразилиялик Ясмим Лима, португалиялик Йоана Диого ва мўғулистонлик Буянхишиг Пуревсуренни мағлубиятга учратди. Бронза медаль учун курашда эса германиялик Анника Вурфелни мағлубиятга учратди.

Мутлоқ вазн тоифасида гиламга чиққан Давлат Бобонов аввалига германиялик Бенжамин Боуизгарн ва польшалик Олекси Лисенколарни мағлуб этди. Учинчи ўрин учун кечган беллашувда эса озарбайжонлик машҳур дзюдочи Рустам Коцоевни мағлуб этишнинг уддасидан чиқди ва Ўзбекистон спорт делегациясига тўртинчи медални тақдим этди.

ЎзА

«ОЛИМПИЯ КУНИ» МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ САЙЛИ СИФАТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Халқаро «Олимпия куни» муносабати билан Ўзбекистонда ҳам спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

1894 йил 23 июнь куни франциялик спорт фидойиси, барон Пьер де Кубертен томонидан Халқаро олимпия қўмитасига асос солинган. 1942 йилнинг январь ойида ўтказилган ХОҚнинг 42-сессиясида «Олимпия куни»ни нишонлашга қарор қилинди ва ўша йили Австралия, Бельгия, Канада, Буюк Британия, Греция, Португалия, Швейцария, Уругвай ҳамда Венесуэла каби давлатларда бу сана кенг нишонланди.

Ўзбекистон 1994 йилда ХОҚнинг тўлақонли аъзосига айлангач, юртимизда ҳам «Олимпия куни» кенг нишонланиб келинмоқда.

Бу йилги «Олимпия куни» спорт тадбирлари мамлакатимизда халқ сайли сифатида ташкил этилди.

Бухоро шаҳридан бошланган спорт сайли Хива, Самарқанд, Қарши, Наманган, Андижон шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди, кеча ва бугун Тошкентда давом этмоқда.

«Олимпия куни» спорт тадбирлари мазмун-моҳияти ҳақида маълумот бериш учун пойтахтимиздаги кўп тармоқли «Ҳумо Арена» муз саройида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари Ойбек Қосимов, Миллий Олимпия қўмитаси бош котиби Жасур Матчонов мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор, эришилаётган ютуқлар, «Олимпия куни»нинг халқ сайли сифатида ташкил этилгани замиридаги асл мақсад ҳақида гапирди.

— Бу йил «Олимпия куни» тадбирлари мамлакатимизда ўзгача нишонланмоқда. Аввалари шу сана муносабати билан маданият ва истироҳат боғларида оммавий югуриш тадбирлари ўтказиларди. Кейинчалик оммавий спорт тадбирлари ташкил этиладиган бўлди. Жорий йилдан эса бу тадбирнинг кўлами кенгайди. Энди у бутун мамлакатни қамраб олди. Албатта, мақсадимиз аниқ — халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, спортда маррани баланд олиб, Ватанимиз довруғини дунёга таратиш. Хабарингиз бор, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз 13 медални қўлга киритди. 2020 йили Японияннинг Токио шаҳрида ўтадиган Олимпия ўйинларида эса бундан-да кўп медаль олишни кўзлаганмиз. «Олимпия куни» спорт тадбирлари халқ сайли сифатида ташкил этилгани ана шу йўлда бизга куч-ғайрат, илҳом бағишлайди, — деди жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари О.Қосимов.

Матбуот анжуманида бу йилги «Олимпия куни» спорт тадбирлари мамлакатимизнинг қарийб 300 минг аҳолисини қамраб олгани, энг муҳими, улар шу баҳона спортга ошно тутиниб, саломатлигини мустаҳкамлагани алоҳида таъкидланди.

Отабек ЭШМАМАТОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2019-2020 ЙИЛЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ **ДАВЛАТ ДАСТУРИ** ТАСДИҚЛАНДИ

- Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторлари** ишлаб чиқилади
- Давлат хизматчиларини танлаб олиш, тайинлаш ва юқори лавозимларга **кўтаришнинг шаффоф тизими** шакллантирилади
- Ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашлари таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссиялари** ташкил этилади
- Давлат хизматчилари учун **чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантиришларнинг аниқ рўйхати** белгиланади

2019 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН

- Давлат органларида юзага келадиган **коррупция хавф-хатарлари** мажбурий баҳолаб борилади
- **Коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган** давлат хизматчиларининг рўйхати шакллантирилади
- Давлат хизматчиларининг **мулки ва даромадларини декларация** қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади

2019 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН
ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида **ҳуқуқий таълим** берилади

2019 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН
эксперимент тариқасида капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида **"Коррупциясиз соҳа"** лойиҳаси амалга оширилади

2020 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН
"Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси бошқа соҳаларга босқичма-босқич жорий этилади

advice.uz @huquqiyaxborot

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 9 июль куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 24-26, кундузи 37-39** даража иссиқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 22-27, кундузи 35-40** даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 22-27, кундузи 37-42** даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, баъзи жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 22-27, кундузи 35-40** даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 22-27, кундузи 37-42** даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 20-25, кундузи 35-40** даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. **Кечаси 14-19, кундузи 27-32** даража иссиқ бўлади.

ЎзА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует под заказ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Shuhrat JALILOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), To'lqin TO'RAXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 3531 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:55.
Topshirilgan vaqti — 01:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
1 2 3 4 5 6